

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ МУХАММАДИМИН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

**ЭТНОПЕДАГОГИК ҚАДРИЯТЛАР
ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ
ҒУРУР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

**ТАФАККУР ҚАНОТИ
ТОШКЕНТ-2022**

УЎК: 821.133
КБК: 74.200.51
А-98

Абдуллаев Мухаммадимин Эгамбердиевич

Этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш методикаси. / М.Э.Абдуллаев - Тошкент: “Tafakkur qanoti”, 2022. – 100 б.

Ушбу қўлланмада этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш методикасининг педагогик моҳияти асосланган, этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг педагогик-психологик мазмуни ва босқичлари, имкониятлари очиб берилган. Этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш технологиялари ва йўллари тақдим этилган.

Мазкур қўлланма ўқитувчилар ва бўлажак ўқитувчилар, малака ошириш курслари тингловчилари ҳамда илмий педагогик жамоатчилик учун ўзига хос дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Масъул муҳаррир:

*педагогика фанлари доктори, профессор
Р.Г.Сафарова*

Такризчилар:

*Андижон давлат университетининг Педагогика
институтини доценти, педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) Д.Т. Саматов*

*Андижон давлат университети умумий педагогика
кафедраси, педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD) Ф.М. Комилова*

*Андижон давлат университети Илмий кенгашининг 2022 йил 22
апрелдаги 10-сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-614-76-5

© М.Э.Абдуллаев, 2022.

© «Tafakkur qanoti», 2022.

МУҚАДДИМА

Жаҳонда ёш авлодда миллий ғурур туйғусини шакллантириш асосида шахсинг онгли фаолиятини ривожлантириш, шу мақсадда таълим-тарбия жараёнига инсонни маънавий-маданий ривожлантиришга хизмат қиладиган этнопедагогик қадриятларни сингдириш бугунги кунда алоҳида долзарб муаммо ҳисобланади. Айни вақтда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Испания, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия каби ривожланган мамлакатларда ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш орқали муайян тарихий босқичда яшаган халқнинг кўп асрлик маънавий-тарихий меросидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шахсни маданий-маънавий ривожлантириш жараёнида жаҳон миқёсида шарқона таълим-тарбиянинг инсонпарварлик моҳияти, унинг маърифий-маданий аҳамияти ва ривожланиш тенденцияларини илмий асосда ўрганиш ҳамда ёш авлод онгига етказиш муҳим педагогик аҳамият касб этмоқда.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда ёшларда миллий ғурурни шакллантириш, тарихий тафаккурни ривожлантиришга устувор даражада эътибор қаратилган. Ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик, халқпарварлик, миллий ўзлигига садоқат, урф-одатлари ва анъаналарни қадрлашга йўналтирилган этнопедагогик қадриятларни танлаш, тизимлаштириш соҳасида бир қанча тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ўзбек халқи томонидан яратилган этнопедагогик қадриятлар, уларнинг ёш-авлод маънавий-маданий дунёқараши, ғурурини тарбиялашдаги улкан педагогик имкониятидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шунга кўра этнопедагогик қадриятлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш эҳтиёжи кучайган.

Мамлакатимизда ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқ педагогикаси имкониятларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ушбу тадқиқотлар натижасида ёш авлодда тарихий-маданий дунёқарашни, миллий ғурур туйғусини шакллантириш имкониятларини кенгайтиришнинг услубий-меъёрий асосларини таркиб топтириш, ўқувчиларнинг фольклор намуналарини ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириш, ўзбек халқининг анъаналари ва урф-одатларини ўқувчи ёшлар онгига етказиш методикасини такомиллаштириш йўналишида бўлган тадқиқотларга бўлган қизиқишнинг ортганлиги кузатилмоқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сон Фармонлари, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ–2855-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ– 4320-сон Қарори, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сонли “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ушбу педагогик муаммога алоҳида эътибор қаратилган.

I БЎЛИМ.

ЭТНОПЕДАГОГИК ҚАДРИЯТЛАР ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш – ижтимоий методик зарурият сифатида

Педагогика энциклопедиясида таъкидланишича, “Этнопедагогика – педагогика фанининг халқ миллий анъана, ижтимоий тажриба, маънавий-маърифий, маданий-этник қадриятларини психологик-педагогик асосларини аниқлаш ва амалиётга тадбиқ этишга қаратилган тармоғи”¹.

Этнопедагогик қадриятлар эса ўзбек халқи учун қадрли, аҳамиятли бўлган анъаналар, тажрибалар мажмуи бўлиб, ёш авлодда миллий ғурур, ўзликни англаш, ўз халқининг ютуқларидан фахрланиш туйғусини шакллантиришда муҳим педагогик восита сифатида хизмат қилади.

Бугунги кунда ўқув фанлари мазмунини этнопедагогик қадриятлар воситасида бойитиш асосида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Чунки асрлар давомида халқ томонидан қўлланилган тарбия воситалари миллатимиз ўқувчи-ёшларида миллий ғурур, ўз халқининг ютуқларидан фахрланиш, ундан ижодий фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришда алоҳида аҳмиятга эга. Сўнгги йилларда ўқувчи-ёшларни миллий ғурур руҳида тарбиялашда асрий тажрибалар, анъаналар, урф-одатларнинг муҳим ўрин эгаллаши сиёсий, илмий-педагогик жиҳатдан эътироф этилмоқда.

¹ Педагогика: энциклопедия. III жилд/ тузувчилар: жамоа. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 424 бет. Б.349.

Этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш заруриятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан илмий асослашда қуйидаги зиддиятлар ҳал этилиши зарур деб ҳисоблаймиз:

глобаллашув жараёнида ўқувчиларда шакллантириладиган умуммаданий компетенциялар билан уларни шакллантириш воситалари орасида номутаносибликнинг мавжудлиги;

жамиятнинг шахс маънавиятини юксалтириш жараёни олдида қўяётган талаблари билан уни амалга ошириш тизими орасида бўшлиқнинг мавжудлиги;

дарсликлар ва ўқув адабиётларида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган дидактик воситаларнинг етарли даража тақдим этилмаётганлиги кабилар.

Юқорида келтирилган зиддиятларни ҳал этиш йўлларини излаб топиш тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бўлиб, этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга доир илмий амалий тавсиялар яратишни ўз ичига олади.

“Маънавият”: асосий тушунчалар изоҳли луғатида “Миллий ғурур – 1) шахс, ижтимоий гуруҳнинг муайян миллатга мансублигидан фахрланиш ҳисси. Бу туйғу ўзини-ўзи англаш шакллари билан бири бўлиб, аجدодлар қолдирган моддий, маънавий мерос, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, кадрқиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодалайди”¹.

Миллий ғурур инсонларда қуйидаги шаклларда ўз ифодасини топади:

¹ “Маънавият”: асосий тушунчалар изоҳли луғати/ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. 760 бет. Б. 411.

- ўз халқи, миллатининг эришган ютуқлари, қадриятлари, миллий бойликлари, урф-одатлари, анъаналаридан фахрланиш, унинг ҳаётидаги ўзига хос ходисаларга бефарқ бўлмаслик;
- ўз халқи, миллатининг равнақи учун фидойилик кўрсата олиш;
- ўз халқи, миллатининг асрлар давомида яратган маънавий, маданий, моддий бойликларини асраб-авайлаш;
- халқнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини эъзозлаш ва авайлаб-асраш, кўпайтириш;
- ўз миллатини қадрлашини кундалик амалий фаолиятида намоён эта олиш кабилар.

Шу билан бир қаторда миллий ғурур эгаси бошқа халқлар ва миллатларнинг вакилларига алоҳида ҳурмат-эътибор билан қараш, уларнинг маданий бойликларини қадрлай олиш туйғусига эга бўлади. Бошқа миллат вакилларининг маданияти, урф-одатлари, анъаналарини қадрлаган ҳолда миллий ғурурни миллатчилик ва сохта миллатпарварликдан фарқлай олади. Бундай сифатларни ёш авлодга таълим-тарбия жараёнида сингдириш зарурияти бугунги кунда айниқса кучаймоқда.

Ёш авлод учун миллий ғурур тарбияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур жараёнда ўқувчиларда ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллат тақдири учун қайғуриш, фидойилик сифатлари таркиб топади. Бундай ёндашув натижасида ўқувчи-ёшларда ўз аجدодлари ва бугунги ватандошларининг ютуқларидан фахрланиш, уларни авайлаб-асраш ва кўпайтиришга интилиш, жаҳон халқларининг илғор маданияти билан ўз халқи маданиятининг ютуқлари билан қиёслаш, ундан фахрланиш туйғуси шакллантирилади. Миллатнинг жаҳон майдонида ўзлигини намоён қилиши учун ҳисса қўшиш, инновацион технологияларни ўзлаштириш асосида халқнинг ютуқларини кўпайтиришга бўлган интилиш кучаяди. Бунинг натижасида ёшлар соғлом дунёқарашга, миллий ғурурга эга бўлиб, ватан равнақи учун тинмай

ҳаракат қилишга интиладилар. Уларда фидойилик ҳисси юксалади. Бу жараёнда этнопедагогик кадриятларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш талаб этилади. Этнопедагогик кадриятлар воситасида ўзбек халқининг ўтмиши, аجدодларимизнинг бой маънавий мероси, тажрибаларидан ўқувчи-ёшларни хабардор қилиш орқали уларда миллий ғурур туйғуси шакллантирилади.

Миллий ғурур биринчи навбатда халқнинг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзи, анъаналари ва урф-одатларида ўз ифодасини топган. Миллий ғурурнинг илдизлари халқнинг жамоавий ҳаёт тарзига бориб тақалади. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очик кўнгиллилик, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланиб, у халқ оғзаки ижоди намуналарида ўз ифодасини топган.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида Ватанга, ота-онага муҳаббат, катталарга эҳтиром кўрсатиш, кичикларни эъзозлаш каби олийжаноб туйғулар ўз ифодасини топган. Кўп асрлар давомида этнопедагогик кадриятлар воситасида етиб келган турмуш тарзи анъаналари, урф-одатлар, кадриятлар, миллат ғурур тимсоли ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ўтмиш маданий меросни тиклаш, уни ёш авлод онгига сингдириш давлат сиёсатида устивор аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бахшичилик санъати ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилиши муносабати билан йўллаган табригида қуйидаги фикрларни таъкидлайди: “...Ушбу муҳим ва қувончли янгилик маданият арбоблари, устоз бахшилар ва иқтидорли ёшларимиз, фольклор санъатининг барча

ихлосмандлари, кўпмиллатли халқимиз учун албатта ғурур ва ифтихор бахш этади”¹.

Халқимизнинг асрий урф-одатлари, маъанвияти, маданиятидан хабардор бўлган ўқувчиларгина инсон, унинг ғурури, шаъни энг олий қадрият эканлигини англаб этади ва халқ ва жамият равнақи учун фидойилик кўрсатиш зарурлигини тушунади. Бунда уларга ота-боболаримиз ибрати сабоқ вазифасини ўтайди. Ўқувчи шахсини интеллектуал, маъанвий-ахлоқий жихатдан ривожлантириш умумий ўрта таълимнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий, маданий жихатдан ривожлантиришга устиворлик берилган.

Ёшлар миллий ғурур аجدодларимиз сиймосида ўз ифодасини топганлигини этнопедагогик қадриятларнинг асосий ифодаси бўлган халқ оғзаки ижоди намуналари ёрдамида англаб етадилар. Миллий ғурур туйғусига эга бўлган ўқувчилар биринчи навбатда ўз халқи ва мамлакати, аجدодлари билан фахрлана олади. У ўз истиқболини яққол тасаввур қила олади. Миллий ғурур ёрдамида шахс ўзининг миллий мансублигини чуқурроқ англаб этади. Шунингдек, миллий ғурур ўқувчи-ёшларда маънавий-маданий жихатдан юксалиш эҳтиёжини вужудга келтиради.

Миллий ғурур эгаси ўз халқи ва мамлакати равнақи учун масъулият ҳиссини туяди. Миллий ғурур эгаси биринчи навбатда ўз халқи ва миллатининг тарихини яхши билиши, унинг маданий маънавий бойликлари мазмун моҳиятини англаб етиши лозим. Ўз маданиятини чуқур биладиган, ундан ғурурлана оладиган ёшларгина ўзга халқлар маданиятини англайди ва уларга нисбатан толерант муносабатда бўла олади. Ўқувчи-ёшларда миллий ғурур туйғусини сингдириш орқали соғлом дунёқараш шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

¹ Шавкат Мирзиёев бахшичилик санъати ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилиши муносабати билан табрик йўллади - Daryo

Мирзиёев парламентга йўллаган мурожаатномасида олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарурлигини алоҳида қайд этди. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур¹.

Аждодларимиз халқ оғзаки ижоди намуналарида фарзанд тарбияси, уларда ғурур туйғусини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратганлар. Халқ қаҳрамонлари ўз сиймоларида миллий ғурур туйғусини намоён эта олганлар. Халқ дostonлари қаҳрамонлари бўлган аждодларимиз подшолар сиймосида кўплаб илм масканлари, мактаб, мадрасалар очиб, бунёдкорликни тарғиб қилганлар. Улар сиймосида қаҳрамонлик, жасорат ва халқпарварлик яққол намоён бўлган. Ватан ва халқ шаъни учун ўлимга тик қараганлар. Гўрўғли туркумидаги дostonлардаги Гўрўғли, Авазхон тимсолларида халқнинг қаҳрамонона ҳаёт тарзи яққол ифодаланган. Улар ватанни севган, уни қадрлаган ва ўз издошлари бўлган ёш авлодни ватанпарварликка даъват этган.

Халқимизнинг миллий ғурурига оид қарашлари барча даврларда мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилган. Жумладан Абдурауф Фитратнинг фикрича, инсон ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши учун биринчи навбатда соғлом фикр ва ахлоққа эга бўлиши лозим.

Миллат ўз келажагини яратиши учун ёшларга алоҳида эътибор қаратиши, уларни ақлий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан ривожлантириши лозимлигини таъкидлаган.

¹ Тарихни қаердан бошлаш керак: миллий ғояни ривожлантириш учун таклифлар (kun.uz)

Аждодларимиз Ватанни севиш, уни улуғлаш, миллат равнақи йўлида ўз жонини фидо қилиш лозимлигини уқтирганлар.

Маълумки, миллий онг миллий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, у ўзбек халқининг миллий ғурурига асосланади. Этнопедагогик қадриятларда эса ўзбек халқининг миллий онги, рухияти ва ғурури ўз ифодасини топган. Ўзбек халқ педагогикасига оид тадқиқотларда ўзбек халқининг миллий ғурури, онги ва дунёқарашининг асосини ташкил этган тушунчалар илмий жиҳатдан ёритиб берилган. Жумладан

А.Зуннунов ва бошқалар томонидан яратилган “Халқ педагогикаси – инсон камолотининг асоси” рисоласида ўзбек халқининг миллий ғурурини шакллантиришга асос бўлган этнопедагогик қадриятлар ҳақида фикр юритилган.

Ўзбек халқ педагогикасида кўп асрлар давомида яратилган этнопедагогик қадриятлар, ғоялар, маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлар мужассамлашган. Мазкур ғоялар халқ оғзаки ижоди намуналарида ўз намунасини топган.

“Ўрта – Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар” номли китобда халқ педагогикасида илгари сурилган ғоялар, қарашлар, қадриятлар ҳақида фикр юритилган. Китобда ўзбек халқ педагогикасининг турли даврлардаги тараққиёт босқичлари таҳлил этилган.

А.Зуннунов ва бошқалар томонидан яратилган “Ўзбек педагогикаси тарихи” қўлланмасида милoddан аввалги даврдан бошлаб, халқ педагогикасининг шаклланиш жараёни назарий жиҳатдан ўрганилган.

Кўплаб олимлар ўз асарларида этнопедагогик қадриятлар ва унинг ёш авлодда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга кўрсатадиган таъсири ҳақида фикр юритганлар.

Инсон азалдан атрофдаги воқеликка ўзининг шахсий муносабатини билдирган ва ундан таъсирланган. Жамият аъзолари томонидан билдирилган фикрлар, хатти-ҳаракатларда инсоннинг

Ўзлигини англашига кўмаклашадиган воситалар акс этган. Натижада инсон ва жамият, одамларнинг хис-туйғуларини ифодаловчи эртаклар, ҳикоялар, достонлар халқ томонидан тўқилган ва унда шахслараро муносабатларнинг турли шаклларида намоён бўлиши таъминланган. Турли қабилаларга мансуб йигит-қизларнинг хис-туйғулари, жасорати, мардлиги, ғурур-ифтихори ҳақида афсоналар вужудга кела бошлаган. Бу ҳикоялар оғиздан-оғизга ўтиб, халқ оғзаки ижодининг асл намуналари шаклига келган. Аждодларимизнинг ёшларга берган ўғитлари, панд-насихатлари, қадрли бўлишга оид талаблар, Алп Эртўнга, Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби ажойиб юрт фарзандларининг ботирликлари ҳақидаги афсоналар, ўзбек халқининг урф-одатлари, миллий фазилатларимиз мақол, қўшиқ, эртак, достон, болаларга бағишланган асарларда ўз ифодасини топган.

Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижоди намуналари этнопедагогик қадриятлар сифатида эътироф этилади. Улар фольклор намуналари ҳисобланади. Фольклор атамаси илк бор 1846 йилда инглиз олими Уильям Томс томонидан илмий муомалага киртилган. Фольклорнинг асл мазмуни “халқ донолиги” тушунчасида акс этади. Фольклор халқ томонидан яратилган барча ижод намуналарини англатади. Меъморлик, наққошлик, ганчкорлик, зардўзлик, мусиқа, рақс, халқ оғзаки адабиёт намуналарини фольклор тушунчаси ўзида мужассамлаштиради. Ушбу тушунча педагогикада этнопедагогик қадриятлар сифатида эътироф этилади. Мақол, топишмоқ, лоф, аския, латифа, қўшиқ, эртак, достонлар, анъаналар, урф-одатлар халқ мусиқалари, тасвирий санъат намуналари этнопедагогик қадриятлар сифатида ўқувчи-ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

Фольклор жанридаги адабиётнинг барча намуналари этнопедагогик қадриятлар сирасига киради. Этнопедагогик қадриятлар миллий тарбиянинг асосини ташкил этади. Этнопедагогик

қадриятларнинг аксарият намуналари жонли тарзда ижро этилиб, синкретик характерга эга бўлади. Шунинг учун ҳам у шахс рухиятига зудлик билан таъсир кўрсатиб, унинг ҳис-туйғуларини қўзғатиш имкониятига эга. Масалан, достонлар куйланганда мусиқа, сўз, сахна санъатлари қоришиб уйғун тарзда намоён бўлади. Унинг жозибадорлиги тингловчи ёшларни ўзига жалб этади. Достонлар ёшлар онгига тарбиявий таъсир кўрсатувчи образлар, сўзлар, мусиқий оҳангларга бой бўлади. Бахшиларнинг хонандалик, созандалик маҳорати тингловчини ўзига жалб қилиб, достонда ифодаланган қаҳрамонлик сифатларининг ёшлар томонидан ўзлаштирилишини осонлаштиради.

Катта тарбиявий имкониятларга эга бўлган қўшиқларда эса рақс билан боғлиқ сахна ҳаракатлари намоён бўлади. Бундай кўргазмалилик ёшлар эътиборини ўзига жалб қилиб, унда ифодаланган ғоянинг тез англанишига кўмаклашади. Натижада ўқувчи-ёшларнинг тасаввур олами кенгайиб, ҳис-туйғулари, идроклари ривожланади.

Этнопедагогик қадриятлардан таълим жараёнида фойдаланиш натижасида ўқувчиларнинг ҳиссий олами кенгайиб, тасаввурлари ривожланади. Ҳаётнинг энг муҳим манзаралари этнопедагогик қадриятлар мазмунида ўз аксини топади. Этнопедагогик қадриятларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг шахс онгига кучли таъсир кўрсата олишидадир. Этнопедагогик қадриятлар ўзига хос тарбия воситаси ҳисобланади. Этнопедагогик қадриятларда инсон ҳаёти учун зарур бўлган кўплаб тасаввурлар ўз ифодасини топган. Этнопедагогик қадриятлар халқнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажagini ўзида мужассамлаштиради.

Ёш авлод ўз тарихини ўрганиши учун дастлаб этнопедагогик қадриятлардан фойдаланиш лозим. Этнопедагогик қадриятларда халқ ҳаётига хос бўлган ўзгаришлар ва ривожланиш ўз ифодасини топади. Этнопедагогик қадриятларда анъаналар

намоён бўлиб, ривожланиб боради. Этнопедагогик кадриятлар кўпвариантлилиқ характерига эга. Кўпвариантлилиқ этнопедагогик кадриятларнинг ўзига хослигини таъминловчи асосий омилдир. Этнопедагогик кадриятлар мунтазам бойиб, давомийлик касб этади ва аجدодлардан авлодларга мерос сифатида қолдирилади. Этнопедагогик кадриятларнинг юксак намунаси бўлган дoston, эртақ, мақол-матал, қўшиқ, афсона ва ривоятларда халқнинг ғурури, эътиқоди, дунёқараши ва кадриятлари намоён бўлади. Этнопедагогик кадриятларнинг асосини ташкил этган ўзбек халқ дostonлари 400дан ортиқ бўлиб, уларда энг аввало миллий ғурур туйғуси тарғиб қилинади.

Этнопедагогик кадриятлар кўп асрлик тажрибанинг хосиласи ҳисобланади. Уларда халқнинг тасавурлари, ишонч ва эътиқодлари, миллий ғурури, тафаккур тарзи яққол ифодаланган. Этнопедагогик кадриятларда миллийлик негизида умуминсоний кадриятлар эътироф этилади.

Мустақиллик йилларида маънавий-ахлоқий тарбияга бўлган эътибор кучайганлиги туфайли этнопедагогик кадриятларга ҳар галгидан кўпроқ юзланиш вужудга келди. Ҳар бир ўқувчи-ёшнинг ўзлигини англашига кўмаклашади. Айниқса эпослар ўзбек халқи тарихининг асоси, миллий ғурурни шакллантирувчи асосий педагогик восита ҳисобланади.

Бугунги кунда ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда педагоглар эпослардан унумли фойдаланишлари мумкин. Этнопедагогик кадриятлар халқ тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Шу жумладан эпослар яъни дostonлар шунчаки бадий асар эмас, балки халқнинг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналари, тафаккур тарзини ўзида мужассамлаштиради. Бошқача сўз билан уни миллий қомус деб аташ мумкин. Миллий ғурурни тарғиб қилишда Алпомиш дostonи ўзига хос аҳамият касб этади. Ўқувчилар дostonдаги воқеаларнинг ҳақиқатлигига ишонадилар. Чунки у аجدодларнинг

шонли тарихи ҳақида ҳикоя қилади. У авлодлардан авлодларга ўтиб келган ўлмас қадрият ҳисобланади. Достонларда ижобий қаҳрамонларнинг рамзий тимсоли яратилади.

Этнопедагогик қадриятлардаги қаҳрамонлик ўзига хос тарзда намоён бўлиб, достонларда эпик қолип шаклида ифодаланган. Қаҳрамонлар муайян қонун-қоидаларга амал қилишади. Бу эса ўқувчи-ёшларни интизомли бўлишга, ўз мақсадига эришиш учун қатъий ҳаракат қилишга ундайди.

Достонларда аجدодларнинг шонли ўтмиши билан боғлиқ бўлган тасаввурлар ўз ифодасини топади. Ўқувчилар достонлар билан танишиш жараёнида муайян давр колоритини ҳис этадилар. Халқнинг кўп асрлик тарихи, тафаккур тарзи ҳақидаги аниқ маълумотларга эга бўладилар. Этнопедагогик қадриятларсиз ўқувчиларга миллий қадриятларни сингдириш, миллий ғурур туйғусини таркиб топтириш мумкин эмас. Этнопедагогик қадриятлар ўзбек халқи миллий анъаналарининг негизини ўзида ифодалайди.

Миллий қадриятлар ва анъаналар дастлаб этнопедагогик воситаларда ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқининг кўп асрлик қадриятлари, анъаналарини этнопедагогик қадриятлар айниқса, достон ва эртаклар ёрдамида тиклаш, бойитиш имкониятлари мавжуд. Наврўз байрами ўқувчи-ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Мустақиллик йилларида Наврўз байрамининг мазмуни ва моҳияти янада бойиб, ўқувчи-ёшлар қалбида миллий ғурурни уйғотишда муҳим аҳамият касб этди. Миллий ғурурни шакллантиришда Наврўз байрами билан боғлиқ урф-одатлар, удум ва анъаналар, қўшиқлар алоҳида ўрин эгалламоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Наврўз – чинакам халқ

байрами, миллий ўзлигимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир”¹.

Халқ дostonларида шахслараро муносабатлар, инсоннинг инсонларга ва она заминга бўлган мухаббати ифодаланган. Халқ дostonлари ўзаро ҳурмат, ватанга ва халққа мухаббат, фидоийлик, қаҳрамонлик, ўзаро ишонч ва ғурурли бўлишни тарғиб қилади. Уларда баъзан бир шахснинг ҳаёти мисолида миллатнинг тарихи, қадриятлари, қаҳрамонлиги, урф-одатлари намоён бўлади. Оила ва давлат бахт-саодати, миллатнинг шаъни, ғурури, ор-номуси учун кураш дostonларнинг асосий ғоясини ташкил этади. Этнопедагогик қадриятларда миллатимиз вакилларининг аёлларга ҳурмат эҳтироми, уларнинг шаъни ва қадри учун олиб борган курашлари ўз ифодасини топган.

Этнопедагогик қадриятларнинг таркибий қисми бўлган археологик топилмаларда ҳам аёлларга бўлган юксак эътибор уларни миллат ғурурининг тимсоли даражасига кўтариш ғояси акс этган. Халқ қўшиқлари, эртакларида ҳам аёллар улуғланган, миллий ғурур тимсоли сифатида эътироф этилган. Қадимги битикларда ҳам хотин сўзи кўп учрайди. Битик ва дostonларда она (аёл) ва хотун сўзлари улуғланган. Чунки “хотун” сўзи туркий халқларда аёлнинг юксак мартабасини ифодалаган.

Этнопедагогик қадриятлар мазмунида асрий анъаналар билан ислом маданиятига хос анъаналар уйғунлашган тарзда намоён бўлади. Этнопедагогик қадриятларда ўзбек халқи тарихининг барча даврларига хос бўлган маълумотлар, педагогик ёндашувлар, таълим-тарбияга оид воситаларни учратиш мумкин.

Ўзбек халқининг фалсафий педагогик тафаккури этнопедагогик қадриятлар негизида вужудга келган. Жумладан, мифлар шахс рухиятининг ифодаси бўлиб, унда дунёнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи (ejarima.uz)

манзараси яққол намоён бўлади. Инсон ва табиат орасидаги алоқадорлик мифларда ўз ифодасини топган. Мифлар инсоннинг моддий борлиқда қандай ўрин тутганлигини кўрсатишга хизмат қилади.

Афсоналар негизида инсон ҳаётининг мазмун моҳияти акс этган. Узоқ даврлар мобайнида фольклор ёрдамида инсонлар онгига анъаналар сингиб келган. Инсонлар ушбу анъаналарга суянган ҳолда ёш авлодни тарбиялаганлар. Фольклор намуналаридаги ҳар бир жумла, образлар инсон руҳиятига таъсир кўрсатади. Ёшлар онгига ўзи мансуб бўлган халқнинг фольклори тез таъсир кўрсатади. Чунки ушбу фольклор намуналарида этнопедагогик қадриятлар ўз ифодасини топган бўлади. Фольклордан узоқлашиш ўзликдан узоқлашиш демакдир. Шунинг учун ҳам барча даврларда педагогик таълимотлар, халқ оғзаки ижоди намуналари негизида вужудга келган.

Этнопедагогик қадриятлар ҳисобланган фольклор намуналарида миллий тимсоллар ўз ифодасини топади. Этнопедагогик қадриятлар ҳар бир шахсни, шу жумладан ўқувчи-ёшларни ҳам мушоҳадага ундайди. Шунинг учун ҳам ўқувчи-ёшларни миллий фольклор намуналари билан яқиндан таништириш орқали уларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш бир қадар осон кечади.

Ўқувчиларни ўзбек эртак, дoston, афсона ва ривоят, қўшиқ, мақол-маталлари билан тизимли тарзда таништириш, уларни ўқиб ўрганиш мотивларини шакллантириш лозим. Бунинг учун фольклор асарлари ёрдамида мультфильм ва ўқувчиларбоп кинолар ишлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Ота-онлара ва ўқитувчилар ўқувчиларга эртаклар ва дostonларни ўқиб ўрганишга алоҳида қизиқиш уйғотишлари талаб этилади. Бунинг учун уларнинг ўзлари ҳам ўзбек халқининг этнопедагогик қадриятлари мужассамлашган эртаклар, дostonлар, маталлар билан яқиндан таниш бўлишлари талаб этилади.

Ўқувчиларда биринчи навбатда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўқиб ўрганиш эҳтиёжи шакллантирилади. Бунинг учун халқ оғзаки ижодининг барча жанрлари бўйича аудио, видео воситалар яратилиши ва кенг оммалаштирилиши муҳимдир. Чунки халқ оғзаки ижоди намуналари миллатимиз ёшларининг ўз рухи, менталитети ва миллий дунёқарашига эга бўлишини таъминлайди.

“Алпомиш”, “Гўрўғли” каби достонларни ўқитишга нисбатан янгича таҳлилий ёндашувни жорий этиш тақозо қилинмоқда. Таҳлилий ёндашув ёрдамидагина достонларда ифодаланган этнопедагогик қадриятларни ўқувчилар онгига осонгина етказиш имконияти вужудга келади. Ўқувчилар достонларда ифодаланган асосий фикрни излашга ўрганишлари муҳим аҳамиятга эга.

О.Мусурмонова ўзининг “Оила маънавияти миллий ғурур”, “Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси” номли қўлланмаларида, Иноятулла Сувонқуловнинг “Маънавият илдизлари” қўлланмасида, Зоир Ғафуров, Суяр Тошевнинг “Маънавият сабоқлари” китобида, Д.Рўзиева эса “Олий ўқув юртлари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари” номли докторлик диссертациясида ўқувчи ҳамда талаба ёшларда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг турли йўналишлари ҳақида фикр юритганлар.

А.Зуннунов ва бошқалар томонидан яратилган “Педагогика тарихи” дарслигида кўп асрлар давомида шаклланган ва бизгача етиб келган этнопедагогик қадриятлар ҳақида фикр юритган.

Ўзбек халқининг миллий маданияти умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бошқа кўплаб халқлар қатори ўзбек халқи ҳам жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган. Ушбу хиссанинг салмоқли қисмини ўзида этнопедагогик қадриятларни мужассамлаштирган фольклор намуналари ташкил этади.

К.Ҳошимов бошчилигида яратилган “Педагогика тарихи” қўлланмасида эса ўзбек халқининг кўп асрлар мобайнида таълим-тарбия соҳасида эришган ютуқлари, таълимотлари таҳлил қилинган.

Фольклор намуналари билан танишиш натижасида ўқувчиларда ўзбек халқининг ўзига хос маданиятидан фахрланиш, миллий ғурур туйғуси шаклланиб, ривожланиб боради. Фольклор намуналарида босқинчилик ҳаракатлари қораланади. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Профессор М.Қуронов эса ўзининг “Мактаб маънавияти ва миллий тарбия” номли асарида миллий тарбиянинг илдизлари ҳақида фикр юритган. Мазкур асарда миллий маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари, миллатлараро муносабатлар ва миллатнинг ўз ютуқларидан ғурурланиши ҳақида фикр юритилган.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларда этнопедагогик кадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантириш масаласи алоҳида тадқиқ этилмаган. Этнопедагогик кадриятлар фольклоршуносликка бағишланган илмий изланишлар доирасида таҳлил қилинган.

Ўқувчиларда миллий дунёқарашнинг шаклланишида этнопедагогик кадриятлар муҳим аҳамият касб этади. Этнопедагогик кадриятлар биринчи навбатда шахснинг ўзини шаклланишига хизмат қилади. Бундай шахс биринчи навбатда ўз маданиятининг тарғиботчиси ҳисобланади. Шу билан бир қаторда миллий ғурур туйғусига эга бўлиб, бошқа халқларнинг маданияти, кадриятларини ҳурмат қилиш, тилини ўзлаштириш кўникмасини ҳам эгаллай олади.

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга устивор ўрин ажратиш тақозо қилинмоқда. Маълумки, миллий кадриятларимиз ва ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида ота-она ва фарзанд орасидаги ўзаро

муносабатларга кенг ўрин ажратилган. Бугунги глобаллашув шароитида ўқувчиларда миллий маданий дунёқарашни шакллантириш орқали миллий ғурур туйғусини таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда.

Маълумки, миллий маданиятнинг барча жиҳатлари этнопедагогик кадриятлар ҳисобланган халқ оғзаки ижоди намуналарида ўз ифодасини топган. Этнопедагогик кадриятларда ўзбек халқининг миллий характери, қарашлари, нуқтаи назарлари мужассамлашган. Халқ манфаатларини чуқур ифодаловчи саволлар ёрдамида ўқувчиларда этнопедагогик кадриятлар орқали миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёни ташкил этилади.

Тарихий тараққиётнинг муайян босқичида ёшларда ватанпарварлик, халқпарварлик ва фидоийлик туйғусини шакллантиришнинг негизини ташкил этган миллий ғурурни шакллантириш мақсадида этнопедагогик кадриятларнинг мазмуни бойитилган. Ушбу кадриятлар аجدодлардан авлодоларга тақдим этилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, этнопедагогик кадриятларнинг асосий функцияси устувор тарбиявий масалаларга ечим топишдан иборат.

Этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларнинг ақлий, ахлоқи, эстетик, экологик, жимоний маданияти ва меҳнат кўникмалари такомиллаштирилади. Маълумки, ўзбек халқи ўзининг бетакрор маданияти, маънавий ахлоқий қарашларига эга. Этнопедагогик кадриятларда халқнинг урф-одатлари, анъаналари, эътиқоди, дунёқараши, маънавияти, орзу-умидлари ва интилишлари ўз ифодасини топади.

Этнопедагогик кадриятлар халқ донишмандлигининг маҳсули ҳисобланади. Ўзбек халқининг асрлар давомида тарбия соҳасида тўплаган тажрибалари ва педагогик билимлари ўз ифодасини топган. Унда ўзбек халқининг тафаккур тарзи, ғурури, эътиқоди яққол намоён бўлади. Ҳар бир ўқувчи таълим жараёнида

этнопедагогик кадриятлар воситасида ўзбек халқининг маданияти билан яқиндан танишиб, миллий ғурур туйғусига эга бўлади. Тенгдошлари, синфдошлари билан мулоқот жараёнида ушбу туйғунинг ривожланиши ва такомиллашувига муваффақ бўлади.

Ўқувчилар ўз халқининг кадриятлари, шахслараро муносабатларни чуқур ўзлаштирадilar. Халқнинг донимандлигидан ғурур ҳиссини туядилар. Ўқувчилар таълим муассасига келгач турлича маданий муносабатларнинг таъсирида бўладилар. Ўзбек халқига хос маданий кадриятларни ўзлаштириш натижасида, уни бошқа маданият кўринишлари билан қиёслашга ҳаракат қиладир. Ўз маданий бойликларидан фахрланиш натижасида миллий ғурурга эга бўладилар.

Жамиятда тўлақонли фаолият кўрсатиш, шахслараро муносабат тажрибасини мувафақиятли ўзлаштириш учун ўқувчилар ўзбек халқининг маданий кадриятларини эгаллашга эҳтиёж сезадилар. Кўп маданиятли Ўзбекистон жамиятида миллий-маданий кадриятларни ўзлаштириш, миллий ғурур туйғусига эга бўлиш учун ўқувчиларга дидактик восита сифатида этнопедагогик кадриятларни ўзида мужассамлаштирган халқ оғзаки ижоди намуналарини тизимли тарзда тақдим этиб, уларни таҳлилий ўзлаштириш кўникмасини шакллантириш лозим.

Миллийлик ва миллий ғурур жамиятнинг барча аъзолари билан тинч тотув ҳамда ўзаро келишув асосида яшаш, бу жараёнда ўз ғурурини намоён эта олиш билан белгиланади. Таълим-тарбиянинг миллий хусусият касб этиши фақатгина методлар мажмуи орқали белгиланмайди.

Ушбу методларни кўп асрлар мабойнида аجدодларимиз турли дидактик воситалар билан уйғун тарзда қўллаб келганлар. Мазкур этнопедагогик кадриятлар бугунги кунда ўқувчи ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш, ватанпарварлик, халқпарварлик, фуқаролик ҳиссини кучайтириш учун муҳим ҳисобланади.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда этнопедагогик кадриятлардан фойдаланиш мақсадида, уларни танлаш, тизимлаштириш, ва ўқувчиларга тақдим этиш механизмларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бугунги кунда комбинациялаштирилган этнопедагогик ишлар ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай педагогик чора тадбирлар ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлигини тақозо этади.

Этнопедагогик кадриятларни тақдим этиш натижасида ўқувчиларда миллий қиёфа шаклланади. Ўқувчиларда этнопедагогик кадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантиришда ушбу кадриятларнинг умуммаданий кадриятларнинг умуминсоний кадриятлар билан интеграциялашувига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бунда миллий қаҳрамонларнинг фаолияти орқали ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга эътибор қаратилади.

Педагоглар этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда турли махсулдор методлардан самарали фойдаланишлар талаб этилади. Бунда ўқувчиларнинг ижобий характердаги ахборотларни жадал ўзлаштиришларига эътибор қаратилади. Этнопедагогик кадриятларнинг ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қилиши ҳеч қандай исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Чунки этнопедагогик кадриятларда миллат ҳаётининг эзгу амаллари ўз ифодасини топган. Этнопедагогик кадриятларда намоён бўладиган миллий ғурур туйғуси бугунги кун учун ҳам алоҳида қимматга эга.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ўқувчилар этнопедагогик кадриятларнинг асосий кўринишлари ҳисобланган миллий ғурур туйғуси яққол ифодаланган дostonлар ва эртакларни яхши билмайдилар. Улар ўзбек халқининг асл қаҳрамонлари, уларнинг дунёқарашлари, етакчи мақсадлари, аجدодларимизнинг маданий

тафаккур тарзи, эътиқодлари ҳақида етарлича маълумотга эга эмас эканлар.

Ўқитувчиларнинг ҳам бу соҳадаги билимларини чуқурлаштириш тақозо этилмоқда. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ҳам этнопедагогик кадриятлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёни уларнинг ижтимоий-психологик ўзига хослиги ва минталитетини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Ўқитувчилар ўқувчиларда этнопедагогик кадриятлар воситасида миллий ғурурни шакллантиришда интеграциялашган дарсларни лойиҳалаш технологиясини яхши билишлари керак. Агар ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш орқали ғоявий қарашлари, эътиқоди, маданиятини сингдириш мақсадига эришиш учун этнопедагогик кадриятларини ўзида мужассамлаштирилган халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш имконияти кенгайтирилса, ёшларда ватанпарварлик, халқпарварлик, ўзлигини англаш туйғулари кучаяди.

Этнопедагогик кадриятлар ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши, ўқитувчилар эса ундан зарур ўринларда фойдалана олишлар муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини жуда ёшлиқдан бошлаб шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бунда этнопедагогик кадриятлар устувор ўрин эгаллайди. Улар ўқувчилар қалбига эзгуликни сингдиришнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Ўқувчилар ўзбек халқ мақоллари, эртаклари, айтимлари, топишмоқлари, дostonлари, анъаналари ва урф –одатларини яхши билмайдилар.

Ёш педагоглар ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин. Этнопедагогик кадриятларга оид турли-туман материаллар ўқувчиларнинг этник ўз-ўзини англаши ва миллий ғурурини ривожлантиришга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида миллий анъаналарни бошқа халқларни анъаналари билан

қиёслаш ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини англаш имконини беради. Натижа ўқувчиларнинг миллий, маданий дунёқараши кенгайиб, миллий ғурур туйғуси ривожланади.

Ижтимоий ижод соҳасида фаолият кўрсатадиган педагогларнинг вазифалари бири ўқувчиларни ўзбек халқининг анъаналари, урф-одатлари, қўшиқлари, эртаклари, афсоналари билан яқиндан таништириш ва уларни зарур вазиятларда бошқа халқларники билан қиёслашдан иборат. Бундай қиёслаш ўқувчиларнинг этнопедагогик қадриятлар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириб, уларнинг моҳиятини англашларига кўмаклашади. Мазкур педагогик чора-тадбирларни амалга оширишга хизмат қиладиган кўплаб усуллар, методлар мавжуд.

Этнопедагогик қадриятларни ўқувчилар онгига сингдириш учун ҳар бир дарс ва синф соатларида муайян вақт ажратиш талаб қилинади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга ўзбек халқининг миллий, маданий қарашлари ҳақида сўзлаб, уларда миллий ғурур туйғусини кучайтиришни таъминлайди. Шу билан бир қаторда ўқитувчи ўқувчиларга этнопедагогик қадриятларнинг моҳиятини очишга қаратилган ижодий топшириқлар бериб, уларни мустақил изланишга ундаши лозим. Бундай топшириқларга ижодий, билишга асосланган, эвристик характерга эга бўлиши, ўқувчиларни мустақил билим олиш ва изланишга ундаши, ўқитувчилар ва ота-оналарга саволлар билан мурожат қилишиб мазкур жараёнда дуч келадиган қийинчиликларни енга олиши назарда тутилади.

Ўқувчиларга ўз олдиларига қўйилган топшириқлар устида чуқур ўйлашлари энциклопедиялар, интернет материаллари билан ишлай олишлар талаб қилинади. Мустақил топшириқлар сифатида “Ўзбек халқининг меҳмон кутиш анъаналари”, “Наврўз байрамини қандай нишонлаймиз”, “Ўзбек халқ эртакларининг асосий қаҳрамонлари” мавзуларида рефератлар ёзиш, расмларда ифодалаш топширилади. Натижада этнопедагогик қадриятларни

мустақил ўрганиш, таҳлил қилиш, улардан фахрланиш кўникмалари ривожланади.

Шу билан бир қаторда ўзбек халқи ҳаёти ва анъаналарини ўзида мужассамлаштирган эртақлар ва дostonлар асосида турли танловлар, бадий кечалар, сахна кўринишлари ташкил этиш тавсия қилинади. Ўқувчиларни эртақ ва дoston сюжетлари билан боғлиқ расмларни чиздиришга ҳам қизиқтириш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил ишларини текшириб, бошқалардан алоҳида ажралиб турадиган ишларни, ўқувчилар орасида кенг муҳокама қилиши кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

Ўқувчилар орасида бир-бирларини ишларини таҳлил қилдириш, муносиб баҳолашга ўргатиш, ҳар бир ишнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлай олиш кўникмасини шакллантириш натижасида, уларнинг этнопедагогик қадриятларни чуқурроқ ўрганишлари таъминланади. Ўқитувчи эса ўқувчиларнинг камчиликлари ҳақида уларга эҳтиёткорлик билан гапириб, уни бартараф этиш йўлларини кўрсата олиши лозим. Шу билан бир қаторда ўқитувчилар ўқувчиларнинг мустақил бажарган ишларини такомиллаштириш ҳақида аниқ маслаҳатлар беришлари лозим.

Ўқитувчи –ўқувчи муносабалари жараёнида таълим олувчилар ўзбекона лутф, сўзлашиш маданияти, шахслараро муносабат меъёрларини ҳам ўзлаштиришлари тақозо этилади. Ўқитувчи ўқувчилар орасида мунозара вазиятларни аниқ ташкил этиши, ҳамда ушбу жараёни самарали бошқариши ва аниқ тузатишлар киритиши талаб қилинади.

Мактабларда халқ дostonлари ва эртақлар, халқ кўшиқлари асосида турли танловлар фестиваллар, ёш бахшилар сайли каби тадбирларни ўтказишни кенг жорий қилиш натижасида ўқувчиларда миллий ғуру туйғусини шакллантириш жадаллашади. Бундай тадбирларда иштирок этиш учун ўқувчиларда

мотивацияни шакллантириш, турли педагогик воситалар ёрдамида уларда қизиқиш ва эҳтиёжларни вужудга келтириш синф раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Ўқувчиларда Ватан ва халқ тарихини ўрганишга алоҳида қизиқиш уйғотиш педагогларнинг асосий вазифаларига киради. Шу билан бир қаторда ўқувчиларни халқ ўйинлари билан яқиндан таништириш орқали уларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш мумкин. Ўлка табиати, тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар ҳам ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар ҳақидаги ҳикоялар, афсоналар билан, ривоятлар билан ўқувчиларни яқиндан таништириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундай тадбирлар ва педагогик воситалар ўқувчиларда ўзбек халқининг анъаналари, урф-одатлари, муқаддас қадамжолари, тарихий обидалари, улуғ шахсларга қизиқиш ва улардан фахрланиш ҳиссини уйғотади. Натижада уларнинг ақл-идроки, тафаккури, маданий дунёқараши кенгаяди, миллий ғурур туйғуси ривожланади.

Дарсларда миллий байрамлар ҳақида маълумот бериш орқали ҳам ўқувчиларнинг маданий дунёқараши ва миллий ғурурини ривожлантириш имкониятлари кенгайтирилади. Жумладан Наврўз ҳақидаги маълумотлар орқали ўқувчилар ўзбек халқининг ушбу байрам билан боғлиқ урф-одатлари ва анъаналаридан хабардор бўладилар.

Турли анъаналар ва урф-одатлар ҳақида хабардор қилишда мазкур воқелик билан боғлиқ расмлар, иллюстрациялар, кўргазмали воситалар, аудио, видео, визуал воситалардан унумли фойдаланиш тавсия этилади. Бунинг учун кўргазмалиликка асосланган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу ўқувчиларнинг ўзбек халқи маънавий, маданий

ҳаётини чуқурроқ идрок этишлари учун зарур ҳисобланади. Анъанавий этник ёндашув орқали ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнида, уларга умуминсоний маданият намуналари ва қадриятлар ҳам тақдим этилади.

Миллий этник тарбия модели айти бир вақтнинг ўзида этномаданий мувофиқлик ҳам интеграция принципларига таянилган ҳолда амалга оширилиши керак. Этнопедагогик назария ва концепцияларни таҳлил қилиш натижалари шунини кўрсатмоқдаки, ҳар бир ўқувчида миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун дастлаб, этнопедагогик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган халқ оғзаки ижоди намуналарини тақдим этиш ушбу соҳада самарадорликка эришиш имконини беради. Шу билан бир қаторда ўқувчилар ўзбек халқининг миллий, маданий бойликларини пухта ўзлаштиришлари ва улардан фахрланиш ҳиссини уйғотишлари лозим.

Этнопедагогик қадриятларни ўқувчиларга тақдим этиш, мураккаб педагогик жараён бўлиб, унда ўзбек халқи томонидан тўпланган маданий бойликларни ўқувчиларга тизимли тарзда тақдим этиш назарда тутилади. Аждодлардан авлодларга етиб келган этнопедагогик қадриятларни аниқ педагогик вазиятларда ўқувчиларга тақдим этиш орқали, уларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун қулай имконият яратилади. Ҳар бир ўқувчи маданий бойликлар ёрдамида ўз халқининг урф-одатлари, анъаналари, ахлоқий меъёрларини ўзлаштиришга муваффақ бўлади.

1.2-§. Этнопедагогик қадриятларнинг тарбиявий имкониятлари

Аждодларимиз турли воситалар орқали воқеликка ўз муносабатларини билдирганлар. Уларда инсоннинг муносабатлари ва эҳтирослари ўз ифодасини топган. Дастлаб ўз

муносабатлари ва туйғуларини турли овозлар, ҳаракатлар ёрдамида ифодалаган бўлса, кейинчалик сўзлар ёрдамида ўз фикрлари ва қарашларини баён қилган. Аста-секин моддий оламнинг яралиши, ундаги воқеа-ҳодисалар ҳақида турли афсоналар, эртаклар афсоналар, ҳикоялар тўқиганлар. Уларда инсоннинг ҳайратлари, муносабатлари, тасаввурлари ўз ифодасини топган.

Шахслараро муносабатлар, ижобий ва салбий қарашлар аجدодларимизнинг қаҳрамонликлари, жасорати, фахру ифтихори ҳақида қўшиқлар, афсоналар, достонлар яратилган. Ота-боболаримиз ёш авлодни тарбиялашда ҳудди манашу воситалардан унумли фойдаланганлар. Мазкур этнопедагогик қадриятлар жамоавий турмуш шароитида ёшларни ахлоқий тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, миллий ғурур, фидоийлик, кабилар шаъни учун курашга ундовчи асосий восита бўлиб хизмат қилган. Бу воситалар халқ оғзаки ижодининг ёрқин намуналари ҳисобланади.

Халқ оғзаки ижоди намуналари тарбиявий имкониятларининг кенглиги билан алоҳида педагогик аҳамиятга эга. Аجدодларимиз томонидаан илгари сурилган панд-насиҳатларда инсонийликнинг асосий шартлари: Тўмарис, Алп Эртўнга, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик халқ қаҳрамонларининг мардлиги, жасорати, ғурури ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналари билан уйғун тарзда афсоналарнинг асосий мазмунини ташкил этган. Халқ томонидан яратилган ва этнопедагогик қадриятларга айланган қўшиқлар, мақоллар, эртаклар, достонлар, болалар фольклори намуналарида ёш авлодни ғурурли қилиб тарбиялаш етакчи ғоя сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки намуналари этнопедагогик қадрият даражасига кўтарилган. Этнопедагогик қадриятларда ўзбек халқининг ақл-идроки, педагогик тафаккурини намоён этади.

Ўзбек халқининг тарбиявий қарашлари этнопедагогик қадриятларни барча турли, меъморлик, наққошлик, ганчкорлик, зардўзлик, мусиқа, рақс, урф-одатлар, анъаналар ва маросимларда ўз ифодасини топган. Халқ оғзаки ижоди намуналари этнопедагогик қадриятларнинг катта тарбиявий имкониятларга эга бўлган тури ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарбиявий жараёнларда халқ афсоналар, қўшиқлар, эртаклар, мақоллар, достонлар, маталлар, айтимлар, топишмоқлардан кенг фойдаланилади.

Этнопедагогик қадриятларда миллатнинг тақдири, келажаги билан боғлиқ бўлган панд-насихатлар, ибратли фикрлар, огоҳлантирувчи, эҳтиёткорликка ундовчи ўғитлар ўз ифодасини топган. Достонларда ҳар бир инсон юрт равнақи, халқ бахту - саодати учун курашиши лозимлиги, бу йўлда қаҳрамонлик кўрсатиши лозимлиги уқтирилади. Юрт яхлитлиги, халқни бирлаштириш, ҳар бир йигитнинг бурчи эканлиги таъкидланади. Достонларда инсон қадри, шаъни, қадри, ғурури учун кураш асосий масала ҳисобланади. Қаҳрамонларнинг ҳаёти юрт тақдири билан боғлиқ тарзда ифодаланади.

Этнопедагогик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган халқ оғзаки ижоди намуналарида умуминсоний фазилатлар улуғланади. Ўзбек халқининг ўзига хос табиати, миллий хусусиятлари, менталитети яққол намоён бўлади. Достон ва эртак қаҳрамонлари ўртасидаги муносабатларнинг асосини дўстлик, адолатпарварлик, халқсеварлик, ғурурлилик, ўзлигини намоён этиш, устоз-шогирд, ота-она, қариндош-уруғ муносабатлари, қабила ва оила учун кураш масаласи ташкил этади.

Ўзбек халқ мақоллари ҳам катта тарбиявий имкониятларга эга. Уларда халқнинг кўп асрлик тажрибаси натижасида вужудга келган тарбиявий ўғитлар ўз аксини топган. Эртакларда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, болаларни ғурурли қилиб тарбиялашга бўлган интилиш, меҳнатсеварлик улуғланади.

Масалан Алпомиш ва Гўрўгли туркумидаги дostonларда мардлик, жасурлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, миллий ғурур тараннум этилади.

Эртак ва дostonлар инсонни мушоҳада қилишга ундайди. Уни ўқиган ҳар бир ўқувчи ўз ҳатти ҳаракатларин таҳлил қилиб, эртак ва дoston қаҳрамонлариники билан қиёслашга интилади. Ижобий сифатларни ўзига қабул қилиб, салбий қаҳрамонлардан нафратланади. Ижобий қаҳрамонлар сингари пок эътиқодли, ғурурли, Ватан ва халқ тақдири учун даҳлдорлик ҳиссига эга бўлишга ҳаракат қилади. Халқ кўшиқлари ҳам мақоллар каби алоҳида тарбиявий имкониятларга эга. Унда инсоннинг ҳолати, борлиққа муносабати, кайфияти, борлиққа муносабати ўз ифодасини топади. Масаллар эса ўқувчиларнинг эътиборини ҳайвонлар образи орқали ўзига жалб этади. Унда ҳайвонлар образи орқали шахслараро муносабатлар акс эттирилади.

Мақолларда сўзлар кўчма маънода ҳам қўлланилади. Бу эса ўқувчиларни мантикий фикрлашга ундайди. “Она юртинг – олтин бешигинг”, “Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига”, “Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзар” каби мақоллар катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ўқувчиларни мақоллар билан таништираётганда, унда ифодаланган ҳақиқий маънони англашлари учун сўз маънолари устида ишлаш машқларини ташкил этиш талаб қилинади. Сўз маънолари устида ишлаш машқлари ўқувчиларнинг халқ кўшиқлари, дostonлар ва эртакларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англашларига кўмаклашади. Ўқувчилар бахшилар томонидан дostonларни тинглаганда улардан алоҳида завқ оладилар. Шунинг учун ҳам машғулотларда бахшилар томонидан куйланган дostonлар ва эртакларнинг аудио ёзувларини уларга эшиттириш ҳам муҳим педагогик аҳамиятга эга. Чунки эртак ва дostonлар ўзбек халқининг маънавий бойлиги сифатида ўқувчи ёшларга эстетик завқ бағишлаб, уларда миллий ғурур билан бир қаторда,

зукколик, ҳозиржавоблик, ўз-ўзини англаш миллий мансубликни ҳис этиш туйғуларини ҳам шакллантиришга хизмат қилади.

Шахсининг маданий-манаънавий дунёқараши кўп асрлар давомида унинг эътиқодини, ҳатти-ҳаракатлари, жамиятда тутган ўрни, халққа, ватанга, атрофидаги одамларга бўлган муносабатини белгиловчи омил ҳисобланади. Миллиу ғурур туйғуси ривожланмаган шахс учун Ватан, миллат, халқ, оила тушунчалари бегона ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аجدодларимиз ўзлари яратган барча этнопедагогик қадриятларда ёш авлодда миллий ғурур туйғусини шакллантиришни назарда тутганлар. Оммавий маданият ҳуружлари тобора кенг тус олаётган бугунги кунда ёш авлодни ғурурли қилиб тарбиялаш зарурияти янада долзарблашмоқда. Шу маънода эртаклар, дostonлар, халқ кўшиқлари, мақоллар ёшларда миллий ғурур туйғусини кучайтириш мақсадини назарда тутди. Шунинг учун ҳам фольклор намуналари улкан педагогик манбаа ҳисобланади.

Этнопедагогик қадриятларда ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи ўз ифодасини топган. Улар ёш авлодни халқ ҳаёти, маданияти, ютуқлари, курашлари билан таништиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Аждодларимиз этнапедагогик қадриятлар воситасида ёш авлодни тарбиялашда асосан қуйидаги усуллардан фойдаланганлар:

- Воқеа ва ҳодисаларни анъанавий баён қилиш;
- Оғзаки, бадихахонлик ёрдамида ифодалаш;
- Фольклор намунасида ифодаланган фикрни жамоа бўлиб оммавий тарзда муҳокама қилиш;
- Фольклор намуналарининг турли варианларидан фойдаланиш;

Кўп асрлар давомида ўзбек халқи тасаввурлари билан боғлиқ ҳорлдла миллий урф-одатлар вужудга келган. Уларда халқ донишмандлиги, инсон ва табиат орасидаги мантикий алоқадорлик ўз ифодасини топган. Мифларда оламнинг яралиши

ҳақида ҳикоя қилинади. Миф (юнонча *mythos* – сўз, афсона, ривоят)¹ маъноларини англатади. Мифлар аجدодларимизнинг ибтидоий олам ҳақидаги тасаввурларини ўзида мужассамлаштирган. Улар оламнинг вужудга келиши, осмон жисмларининг пайдо бўлиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг яралиши, табиий ҳодисаларни келтириб чиқарадиган сабаблар, афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги миллатимиз вакилларининг эътиқодий қарашларини ўзида мужжассамлаштирган. Шунинг учун ҳам мифлардаги эзгулик ғалабаси ўқувчи ёшларда ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

Муҳим этнопедагогик манба ҳисобланган Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғоти турк” асари ўзида халқ оғзаки ижодининг кўплаб намуналарини мужассамлаштириш билан бир қаторда, уларни маъносини ифодаловчи атамаларни ҳам қамраб олган. Масалан “миф” тушунчаси “сав”² сўзи билан ифодаланган. “Асотир” сўзи ҳам “миф” тушунчасини англатади. Аجدодларимиз томонидан яралтилган илк миф намуналарини Авесто³ китобида берилган.

Мифларнинг ёрқин намуналари “Ўғизнома” китобида ҳам акс этган. “Ўғизнома”да халқ ҳаётига оид воқеалар қисқа, тушунарли тарзда баён этилган. Ўғиз мард, жасур қаҳрамон сифатида гавдаланган. Ушбу китобда ўғиз қаҳрамонлик, жасорат ва миллий ғурур сифатида ифодаланган. Халқ ёвуз кучлардан қутилиш мақсадида ўғиз каби қаҳрамонлар образини яратган.

Ўзбек мифларида аجدодларимизнинг кўп асрлик тарихи, интилишлари, эзгу ниятлари, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши, бу йўлда халқ томонидан яратилган қаҳрамонларнинг етакчилик қилиши баён этилган.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. Тошкент.:2006. 671-б

² Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. I том. - Т.: Фан, 1960. – Б. 357.

³ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Т.: Шарқ НМАК, 2001. – Б. 115.

Афсона форсча сўз бўлиб – ҳикоя, нақл, уйдирма¹ деган маъноларни англатади. Афсоналарда халқ тафаккури, фантазияси ўз ифодасини топган бўлиб, ақл бовар қилмайдиган уйдирмалар ҳақида сўз юритилади. Уларда шуҳрат, обрў қозонишга интилиш ғояси устуворлик қилади. Афсоналар мифлардан ажралиб чиққан дастлабки эпик асарлардир. Афсоналарда асосан ғикоя қилиш услуби етакчи ҳисобланади. Афсоналарда ҳам халқ ўзининг орзу-умидлари ва қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилади. Улардаги образлар жасорат ва миллий ғурур тимсоли сифатида номоён бўлади. Афсоналарда топонимик атамаларнинг ифодаланиши уларнинг муайян ҳудудда рўй берган воқеа ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилинишини кўрсатади. Афсоналар ёрдамида ўқувчи-ёшлар қалбида эзгуликка ишонч, ғурур, аجدодлар ишини давом эттиришга рағбат каби сифатлар шакллантирилади.

Ривоят арабча сўз бўлиб – ҳикоя, қисса, афсона² деган маъноларни англатади. Ривоятлар жамият аъзолари ҳаётига яқин бўлиб, баъзан халқнинг миллий қаҳрамонлари, тарихий шахслар ҳаётини ҳам акс эттиради. Уларнинг қилган ишлари, қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилиниб, ёшларда миллий ғурур туйғусини кучайтиришга ҳисса қўшади. Масалан Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Имом Бухорий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Бобур ҳақидаги ривоятлар бунга мисол бўла олади.

Ривоятларда тарихий шахслар ҳаётидан олинган ҳайратомус ҳикоялар баён қилинганлиги учун ҳам улар ўқувчи ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. Тошкент.:2006. 118-б

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. Тошкент.:2006. 383-б

Ўзбек халқи ҳаётида муҳим ўрин тутган этнопедагогик кадриятлар ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган халқ маданиятини ифодаловчи воситалар, илм-фан намуналари, санъат ва адабиёт бойликлари, оилавий турмуш тарзига хос анъаналар ва урф-одатларда ўз ифодасини топган.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда кўп асрлар давомида қўлланилган дидактик воситалар, усуллар, кундалик турмушга хос тадбирлар, урф-одат ва анъаналар, халқнинг таълим-тарбия ҳақидаги қарашларида мужассамлашган.

Аждодларимиз болаларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда эртаклар, достонлар ва ривоятлардан кенг фойдаланганлар. Ҳар бир болага ота-оналар кечалари албатта эртак айтиб бериб, ғурурли бўлишга даъват этганлар. Достон ва эртаклар ёрдамида болалар эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги аниқ тасаввурларга эга бўлганлар. Мазкур воситалар уларни жасурлик, мардлик, қаҳрамонликлар кўрсатишга руҳлантирган. Шу билан бир қаторда болалар инсонлар орасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-шавқат, бағрикенглик, тоқатлилик, саҳийлик, мурувват кўрсатишга мойиллик каби ижобий сифатларни ўзлаштиришга муваффақ бўлганлар. Эртак ва достонлар бутун болалик даврида уларга ҳамроҳ бўлиб, ватанпарварлик, миллий ғурур, халқпарварлик каби эзгу амалларга ундаган. Эртак ва достонларнинг қаҳрамонлари эса ёшлар учун миллий ғурур тарғиботчиси бўлиб хизмат қилган.

Этнопедагогик кадрият сифатида достонлар ҳам миллий ғурурни ёшлар онгига етказишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилган. Достонларда халқ ҳаёти, унинг асрий орзулари, жасорат ва мардлик тимсоли бўлган қаҳрамонларнинг фаолияти ўз аксини топган. Достонларда муайян қабила вакилларининг болаларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, жанговорлик, ахлоқ-

одоб, нафосат, дўстлик, меҳр-шафқат, инсонпарварликка оид тажрибалари ва қарашлари тараннум этилиб, ёшларда ўзликни англаш хиссини таркиб топтиришга хизмат қилган. Этнопедагогик қадриятлар аجدодларимиз ақл-идрокининг махсули сифатида бугунги кунда ўқувчиларнинг маданий дунёқарашини ривожлантириш, уларда ўзликни англаш ва миллий ғурур туйғусини таркиб топтиришда муҳим педагогик восита бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчи-ёшлар онгини интернет тармоқларидаги турли ахборотлар забт этаётган бугунги кунда уларни дoston ва эртақларни ўқишга даъват этиш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Маълумки, ўтмишда урф-одатлар ва анъаналар ўзига хос этнопедагогик қадриятлар сифатида ёш авлодни меҳнат-севарликка ундаган.

Этнопедагогик қадриятлар миллий онг ва миллий ғурурнинг ривожланишига фаол таъсир кўрсатади.

Ўтмишда ота-оналар урф-одатлар ва анъаналар ёрдамида ўз фарзандларини жамият ҳаёти билан боғлаганлар, уларда шахслараро муносабат тажрибасини хосил қилганлар. Чунки этнопедагогик қадрият ҳисобланган урф-одат ва анъаналар ёшларнинг ҳис-туйғуларига кучли таъсир кўрсатиб, уларда менталитетимизга хос бўлган характер ва сифатларни ривожлантиришга хизмат қилган. Урф-одатлар ва анъаналар болаларнинг кечинмаларига кучли таъсир кўрсатиб, уларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга кўмаклашади. Шу билан бир қаторда урф-одат ва анъаналар ёшларнинг шахс сифатида шаклланиши ва жамиятда ўз ўрнини топишига кучли таъсир кўрсатади.

Урф-одатлар ўзида шахслараро муносабатлар, оилавий қадриятлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини мужассамлаштиради. Масалан, гендер муносабатлар, катталарга кўрсатиладиган иззат-ҳурмат, меҳмон кутиш одоби, овқатланиш одоби, миллатимиз

вакилларига хос бўлган кийиниш ва муомала одоби кабилар шулар жумласидан.

Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзига хос этнопедагогик кадриятлар сифатида Наврўз, Ҳосил байрами яъни Меҳржон, Хайит байрамларини нишонлаш, ушбу анъаналар муносабати билан бир-бирига меҳр-оқибат ва ҳурмат кўрсатиш орқали ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш имкониятлари кенгаяди.

Ўзбек халқининг кўп асрлик педагогик қарашлари урф-одатлар ва анъаналарда мужассамлашган. Яшаш жойининг муқаддаслиги, урф-одатлар ва анъаналарни қадрлаш, маданий дунёқараши, руҳиятида миллий ғурур туйғуси ўз ифодасини топган бўлиб, мазкур кадриятлар ёш авлод тарбияси учун алоҳида аҳамиятга эга.

Халқнинг урф-одатлари, анъаналарида миллийлик билан бир қаторда бошқа халқларга нисбатан толерантликка асосланган кадриятли муносабат ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбек халқининг маданий кадриятлари бошқа халқларнинг илғор маданий кадриятлари билан уйғунлашгандир. Шунинг учун ҳам бундай этнопедагогик кадриятлар миллий ғурур тарбиясининг асосини ташкил этади.

Ўзбек халқи ҳам ўз онгли ҳаёти давомида бошқа халқларнинг илғор анъаналари, маданий кадриятларини ўзлаштирган. Масалан, Марказий Осиёда яшовчи халқлар ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, тожикларнинг этнопедагогик кадриятлари ва маданиятларида ўзаро уйғунлик мавжуд.

Этнопедагогикада миллий ғурур тарбияси алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек халқи ўзига хос этнопедагогик кадриятларга эга бўлиб, ушбу кадриятларнинг марказий масаласини миллий ғурур тарбияси ташкил этган. Ўз урф-одатлари, кадриятлари ва ўзлигидан фахрланиш миллий ғурурнинг асосини ифодалайди. Қадим-қадимдан аجدодларимиз ёш авлодни инсонийлик

сифатларига эга ғурурли қилиб тарбиялашга эътибор қаратганлар. Ғурурли шахс ўзида ватан, ота-онага ҳурмат, ўз яқинларини қадрлаш, гўзалликка интилиш, ўзининг миллий-маданий бойликлари билан ғурурланиш каби сифатларни мужассамлаштиради.

Ўзбек халқи ўз фарзандларини ёшликдан гўзал ахлоқий сифатлар, айниқса миллий ғурурга эга бўлишига ҳаракат қилган. Бунинг учун энг зарур педагогик воситаларни қўллаган. Миллий ғурурнинг асосини ватанни севиш, уни она тимсолида улуғлаш ва ушбу туйғуни турли педагогик воситалар ёрдамида аجدодлардан авлодларга етказишга ҳаракат қилган. Ватан остонадан бошланади, деган ҳикмат энг асосий этнопедагогик қадриятлардан бири бўлиб, аجدодларимиз унга қатъий амал қилган. Шунинг учун ҳам Нақшбандия тариқатида “Сафар дар ватан” деган қоида мавжудки, ушбу қоида ёшларга ватаннинг ҳар бир қаричини севиш, унинг барча бурчакларини таниш, қадрлаш, у билан ғурурланиш туйғусини сингдиришга хизмат қилади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида қизларни нафосатли, мард, қўрқмас, ғурурли қилиб тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Қизлар йўл қўйган ахлоқсизликлар жамиятнинг барча аъзолари томонидан қораланган. Уларнинг салбий хатти ҳаракатлари ахлоқ қоидаларини бузиш сифатида баҳоланиб, оила аъзоларининг ғурури, шаъни, қизлар ва аёлларнинг иффиати билан боғланган. Ўзбек халқи ҳаётида аёлларга, қизларга муносабат, уларнинг шаъни, ғурурини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Қизларга хос бўлган ижобий фазилатлар халқ оғзаки ижоди намуналарида ўз ифодасини топган. Жумладан, Алпомиш достонидаги Барчин, Қалдирғоч; “Хасан батрак” достонидаги Ойқиз, Ошиқ Ғариб ва Шохсанам достонидаги Шохсанам каби образларда ўзбек қизларининг ўзига хос иффиати, латофати, қатъияти, ор-номуси, ғурури ўз ифодасини топган.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги тараннум этилган. Ҳалоллик, жўмардлик миллий ғурур тимсоли сифатида баҳоланган. Ҳар доим инсоний фазилатлар ёвузлик устидан ғалаба қозонган. Ўзбек халқининг инсонпарварлиги, меҳмондўстлиги, қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар бағрикенглик билан муносабатда бўлиши миллий ғурур ифодаси сифатида хизмат қилган.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги, инсонийлиги, сахийлиги, меҳмондўстлиги меҳмон билан бир қаторда мезмонга ҳам ғурур бағишлаган. Бу халқ оғзаки ижоди намуналарида, айниқса эртақ ва дostonларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Масалан, этопедагогик қадриятнинг ёрқин намунаси бўлган “Муродхон” дostonида Оқилхон меҳмондорчиликни ўрнига қўйиб Муродхонни кутиб олгач, уни астойдил меҳмон қилади. Гулистон юртига кузатиш жараёнида, Муродхонга зарбоф тўн, анжомлари билан эгарланган от совға қилади. Бундай меҳмондўстлик натижасида ўзи ҳам, канизаклари ҳам ғурурланадилар.

Аждодларимиз меҳмондўстлик билан мақтаниш, уни миннат қилишни қоралаб, меҳмонга эҳтиром кўрсатишдан фахрланганлар, уни ўзларининг асосий инсоний бурчлари деб ҳисоблаганлар.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида ўзбек халқининг рухий кечинмалари, орзу-умидлари, урф-одатлари, қандай инсоний хатти-ҳаракатлардан фахрланиши аниқ ифодаланган. Этнопедагогик қадриятларда халқнинг турмуш тарзи, орзу-умидлари, кундалик машғулот, хис-туйғулари ўз ифодасини топган. Бу туйғулар, қарашлар “Рустамхон”, “Муродхон”, “Алпомиш”, “Ойсулув”, “Ширин билан Шакар” дostonлари қаҳрамонлари фаолиятида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Шарқ халқлари педагогикасида ифодаланган меҳмондўстлик ўзбек халқининг турмуш тарзида қатъийлашган қадрият сифатида

аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Чунки ўзаро меҳр кўрсатиш, ҳамфикрлилик, бир-бирига кўмаклашиш, қалбларга шуур бағишлайдиган қадриятлардир.

Алпомишнинг мардлиги, ватанпарварлиги, ота-онаси ва қариндош-уруғларига кўрсатадиган меҳр-оқибати, дўстига садоқати, самимияти ушбу дostonдаги Барчин, Қоражон, Қалдирғоч, Қултой ва Ёдгор образларини ўқувчиларга яқинлаштиради. Улар қалбида мард аждодлари билан фахрланиш туйғусини уйғотади.

Ўзбек халқи томонидан яратилган турли ривоятлар, хикоятлар, масаллар, эртакларнинг қахрамонлари ҳам ўқувчи-ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу этнопедагогик қадриятларда иймон-эътиқод, одамларга яхшилик қилиш, улар орасида ҳамжихатлик ва адолатли муносабатларни таркиб топтириш, турли низоларни бартараф этиш каби ахлоқий сифатларга эга бўлиш ғояси ифодаланган.

Этнопедагогик қадриятларда кўрсатилишича, ота-она ва атрофдагилар билан ўзаро муносабат жараёнида ёшлар бешта нарсага амал қилишлари керак. Ота-онанинг насихатлари, танбех ва ўғитларини оғринмасдан қабул қилиш; уларни хафа қиладиган сўзларни айтмаслик, ота-оналари ва оиланинг бошқа аъзоларига эҳтиром кўрсатиш, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишлари ва камтарликни одат қилиб олишлари, фарзандлар ота-оналарини ҳар доим дуо қилишлари зарурлиги уқтирилади.

Этнопедагогик қадриятларимизда эҳсон ва саховат қилиш инсоннинг энг яхши фазилати эканлиги таъкидланади. Халқ оғзаки ижодининг барча намуналарида эҳсон сўзи яхшилик, мурувват қилиш каби кенг маъноларда қўлланилган.

Этнопедагогик қадриятларда инсонларнинг саҳий, очиққўлли бўлиши лозимлиги эътироф этилган. Маълумки, саҳийлик қўли очиқлик, олийҳимматлилик демакдир. Саҳийлик инсонга хос бўлган фазилатларнинг энг аълоси ҳисобланади. Саховатли кишиларни барча ҳурмат қилиб, раҳматлар айтади. Саҳийлик

фақат нарс-буюмларни эхсон қилиш билан белгиланмайди. Саховатли кишилар атрофдагиларга меҳр улашади, мурувватли бўлади. Эртақ ва дostonларнинг асосий ғояси сахийлик ва мардликни эътироф этишдан иборат. Буни Ёўрўғли туркумидаги дostonларда яққол кўриш мумкин.

Этнопедагогик қадриятларда сабр инсоний фазилатларнинг энг улуғи, инсоннинг рухий таянчи сифатида эътироф этилган. Сабр кишилар руҳига осойишталик ва хотиржамлик бағишлайди. Сабрли инсон қийинчиликларни сабот ва матонат билан енга олади.

Этнопедагогик қадриятларимизда инсонларни садоқатли бўлишга даъват этилган. Чунки садоқатлилик ҳар бир шахс ва оиланинг рухий барқарорлиги учун зарур бўлган фазилат ҳисобланади. Садоқат эзгу ишларнинг асосини ташкил қилиб, жамият аъзоларида бир-бирига нисбатан ишончни мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам этнопедагогик қадриятларимизда садоқатлилик ва мардлик бир-бирини тўлдирувчи фазилатлар сифатида эътироф этилади.

Вафодорлик инсоннинг энг улуғ хислатидир. У ҳаётда кишининг обрў-эътибор қазонишига сабаб бўлади. Вафодорлик ҳаётий зарурат бўлганлиги учун ҳам халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган кўшиқлар, эртақлар ва дostonларда асосий ғоя сифатида намоён бўлади.

Этнопедагогик қадриятларда гуноҳ қилган одамни кечирини яъни, авф этиш асосий ғоялардан биридир. Кечиримлилик бағрикенглик ифодаси сифатида эътироф этилади. Этнопедагогик қадриятларда мол-дунё эгаси бўлган кишилар уни яхшилик, эзгулик йўлида сарфлашлари лозимлиги уқтирилади. Бундай кишилардан атрофдагилар қолаверса жамиятнинг барча аъзолари рози бўлиши аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатилган.

Этнопедагогик қадриятларимизда бировнинг ҳаққига хиёнат қилиш, ҳалол меҳнат билан топган моли, маблағини зўрлик ва

алдов билан олиш, ўғрилиқ қилиш оғир гуноҳ эканлиги аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган. Бундай гуноҳ ишларни қилган кишиларнинг тақдири аянчли тарзда яқунланиши таъкидланган. Этнопедагогик қадриятларимизда инсонларни Аллоҳ ато этган ўз пешона тери билан топган ризқига шукур қилиш лозимлиги таъкидланади.

Этнопедагогик қадриятларимизда бахиллик кишилар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, ҳурмат-эҳтиром ва муҳаббатни йўққа чиқарувчи иллат эканлиги таъкидланган. Жумладан, “Аҳмоқда ақл бўлмас, ақлли бахил бўлмас”, “Бахил авлиё бўлмас, авлиё бахил бўлмас”, “Бахил билганин буклар, топганин тахлар”, “Бахил бойга боргунча, қарамли тоққа бор”, “Бахил, бўлмайдиган аҳил”, “Бахил топса, босиб ер, сахий топса, барча ер”, “Бахил тўймас, бахиллигини қўймас”, “Бахилники доим “йўқ”, сахий йўқ бўлса ҳам тўқ”¹ кабилар.

Этнопедагогик қадриятларда инсонларнинг ўз гуноҳларини англаб, тавба қилишлари муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Инсон тавба қилиш орқали ўзи йўл қўйган хатолар ва гуноҳлардан уялиш, хижолат бўлиш ҳиссини туйди.

Ўзбек халқи ўзининг бутун онгли ҳаёти давомида манманликка қарши курашиб, уни қоралаб келган. Одамларни кибрдан узоқлаштиришга ундаган. Бу қўшиқлар, эртақ ва достонларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Масалан, “Билган киши билдим демас, билдим деса, билган эмас”, “Билмаганин билдим дема, қилмаганин қилдим дема”, “Биров билганини мақтар, биров – кўрганини”, “Бойиб кетсанг бўқирма, йўл юрганда сўкинма” “Бор бўлсанг, ошма, йўқ бўлсанг, шошма”, “Борликда мақтанма, йўқликда қайғурма”, “Бошинг осмонга етса ҳам ерга қараб юр”² каби.

¹ <https://maqollar.uz/>

² Манманлик ва мақтанчоқлик ҳақида мақоллар. Энг сара мақоллар тўплами (sirlar.uz)

Инсоннинг улуғлиги ўз нафсини идора қила олишидадир. Бу ҳақида этнопедагогик қадриятларда кўплаб ибратли фикрлар баён этилган. Инсон бахилликдан узоқ бўлиши, нафс балосига берилмаслиги лозим. Атрофдагиларга раҳм-шавқатли бўлиш лозимлиги ҳам эртаклар, достонлар, ҳикматлар ва қўшиқларда уқтириб ўтилган. Этнопедагогик қадриятларда кишиларни олийжаноблилик, мурувватлилик, яхши хулқ эгаси бўлишга ундалган.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида камтарлик улуғ фазилатлардан бири сифатида эътироф этилган. Камтарга камол, манманга завол келиши таъкидланган. Камтарликнинг манбаи меҳнатсеварлик экани таъкидланган. Камтар киши хою-хаваслардан юқори бўлади, кибрланмайди, ҳар доим мағрур бўлишга ҳаракат қилади. Ўз сўзида қатъий туради. У ҳар доим билим олишга интилади. Халқ достонларида билим эгаллашда ўғил ва қиз болаларнинг тенглиги ўз ифодасини топган.

Илмнинг улуғ ҳикмат эканлиги, иймон-эътиқод билан боғлиқлиги таъкидланган. Илм аҳли бўлган асар қаҳрамонлари ҳар доим атрофдагиларнинг ҳурмат, эҳтиромига сазоворлиги ёрқин образлар мисолида кўрсатиб берилган. Ўзининг ахлоқий ривожланишини кўзлаган ҳар бир шахс мустаҳкам иродага эга бўлиши керак. Қатъий ирода, собитқадамлик, миллий ғурур кабиларни бугунги ўқувчи-ёшлар этнопедагогик қадриятлар орқали ўзлаштирадilar.

Этнопедагогик қадриятларимизда она тимсоли улуғланган. Оналар фаришталарга тенглаштирилган. Улар дунёга келтирган фарзандлари учун меҳрибон инсон ҳамда сирдош дўст сифатида тасвирланганлар. Кечалари бешик тебратиб, алла айтиб, ўз фарзандларининг осойишталигини таъминлаганлар. Улар айтган аллаларда оналарнинг барча эзгу ниятлари, ўз фарзандлари бахтли, саодатли, соғлом кўриш истаги, уларни мардликка, жасурликка чорлаш билан боғлиқ тилаклар мужассамлашган.

Оналар бугунги ёш қизлар учун ўрнатилган, намуна тимсоли бўлиб, ёшлар улардан фидойилик, ўз фарзандининг бахт-саодати йўлида қийинчиликларга бардош бериш, илм-маърифатли бўлиш, ўзига хос ролларни ўзлаштириш ва бажариш кабиларни ўргатадилар. Фарзандларини ғурурли қилиб тарбиялаш усулларини эгаллашга интилади. Она алласини тинглаган, уни эъзозлаган, меҳридан баҳраманд бўлган фарзанд баркамол инсон бўлиб етишади, ўз миллий мансублигидан ғурурланади, оналар тимсолида барча аёлларни ҳурмат қилиш кўникмасини эгаллайди.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида ота-оналар болаларга кишилар ва ўртоқларини ранжитувчи сўзлар айтиш, кўнгилни қолдирадиган ишлардан сақланишни ўқитганлар. Улар ота-онага қандай хизмат қилиш лозимлигини турли мақоллар, образлар ёрдамида билиб оладилар.

Муаллим-устозга нисбатан эҳтиромда бўлиш ҳам ўзбек халқининг қадимий энг яхши одатларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам устоз-шогирд орасидаги муносабатлар эртақлар, айниқса дostonларда батафсил ифодаланган. Этнопедагогик қадриятлар мазмунида муаллим илм ўргатувчи, дарс берувчи, гўзал ҳулқли этиб тарбияловчи зот сифатида гавдаланади.

Ота-оналар фарзандларининг одобли, ахлоқли бўлиб униб-ўсишлари учун муаллимларнинг ёрдамига эҳтиёж сезганликлари халқ оғзаки ижоди намуналарида ёрқин ифодаланган. Муаллим – маънавий ота, муаллима эса маънавий она сифатида акс эттирилган. Улар болаларни тарбиялаб, ақл-идроқларини ўстириш, одоб-ахлоқларини камолга етказишга ҳаракат қилганликлари баён этилган. Устозлар ёшларни баркамол шахс сифатида шакллантириш учун куч-ғайрат сарфлаганликлари эътироф этилган. Этнопедагогик қадриятлар ёрдамида ўқувчиларда устоз-мураббийларга нисбатан ҳурмат, улардан фахрланиш, муаллимларнинг эзгу амалларига эргашиш сифатлари шаклланади.

Бир ривоятда нақл қилинишича, Искандар Зулқайнардан сўраган эканлар: “Кимни кўпроқ эъзозлайсиз, отангизними ёки устозингизними?”

Искандар шундай жавоб берган экан:

- Отамни ҳам, устозимни ҳам бир хилда эъзозлайман. Отам менинг дунёга келишимга, униб-ўсишимга сабаб бўлса, устозим фазлу камол топишимга сабабчи бўлган. Шунга кўра, ... Ҳар икки муҳтарам зотга муҳаббат боғлаб, эҳтиром кўрсатаман”. Бу сўзларда ўзлигидан, ота-онасидан фахрланиш туйғуси намоён бўлмоқда.

Ўтмишда ота-боболаримиз тарбияда насиҳат, тушунтириш, рағбатлантириш, мақташ, намуна кўрсатиш, танбеҳ бериш, таъқиқлаш, мажбурлаш, пўписа қилиш, кўрқитиш каби усуллардан фойдаланганлар. Жамоа аъзолари бу усулларни қўллашда ахлоқ қоидаларига суянган ҳолда, бажарган иши, хатти-ҳаракатининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида болада ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қилганлар, унга ахлоқлилик ва ахлоқсизлик, одиллик ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонликнинг маъносини тушунтирганлар.

II БЎЛИМ.

ЎҚУВ ФАНЛАРИ КЕСИМИДА ЭТНОПЕДАГОГИК ҚАДРИЯТЛАР ВОСИТАСИДА ЎСМИР ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПАРАМЕТРЛАРИ

2.1-§. Фанлар кесимида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнининг мазмуни ва уни танлаш принциплари..

Этнопедагогик қадриятлар шахсни ижтимоийлаштиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Этнопедагогик қадриятлар ўзида этник, педагогик-психологи билимларни мужассамлаштиради. Этнопедагогик қадриятлар анъанавий тарзда ўзида халқнинг турмуш тарзи, қариндош-уруғчилик муносабатларини мужассамлаштиради. Ушбу муносабатлар шахсни маънавий-маданий жиҳатдан шакллантириш, уни жамият ҳаётига интеретациялашувини таъминлайди. Шунинг учун ҳам этнопедагогик билимлар қуйидагиларни қамраб олади:

- ўзбек халқи учун характерли бўлган этнопедагогик қадриятларни ўқувчиларга тақдим қилишнинг шакллари, усуллари, воситалари, методлари мажмуини;

- ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятлари, маданий-маънавий бойликларини қулай воситалар ёрдамида ўқувчилар онгига етказиш орқали уларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришни;

- ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнига этнопедагогик қадриятларни кўрсатадиган педагогик-психологик таъсирини;

- тарбиявий жараёнларни ташкил этишда ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятлари, менталитетини ҳисобга олишни назарда тутати.

Ўқувчиларга этнопедагогик кадриятларни сингдириш орқали уларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- ўқувчиларнинг жисмоний, руҳий, ижтимоий ўзига хослигини ўрганиш;

- ўзбек халқи педагогикасининг муайян дидактик хусусиятлари — таълим бериш, кўрсатма бериш, йўналтириш, тушунтириш, шахснинг моддий борлиқ, олам, табиат ва жамият, миллий кадриятлар, аجدодлар меросини билишига кўмаклашиш;

- педагогик деонтология халқ амал қиладиган тартиб қоидаларни ўрганадиган соҳа бўлиб, ўзбек халқининг этнопедагогик кадриятларида ўз ифодасини топган ахлоқий —маданий меъёрларни тадқиқ эташни назарда тутиши;

- ҳар бир ўқувчи ўз халқининг урф-одати, маданиятини ўрганганидагина ундан ғурурлана олиши;

- ўқувчилар ўз она тилини, ота-оналари, қариндош-уруғлари, маҳалладошларини севишлари, миллий муҳитни қадрлашлари, миллий рамзларни ҳурмат қилишлари, кадриятларга садоқат билан ёндашишлари, ўзларида инсонпарварлик, тартиблилик, меҳрибонлик, виждонлилик, масъулиятлилик, бурчга садоқат, бағрикенглик, меҳнатсеварлик сифатларини намоён қила олишлари талаб этилади.

Этнопедагогик кадриятларни ўрганишдан асосий мақсад, ёш авлодда ўзбек халқига хос бўлган миллий менталитетни шакллантиришдан иборат. Чунки оммавий маданият кенг кўлам касб этаётган ҳозирги шароитда этнопедагогик кадриятларни ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, акс ҳолда ўқувчилар ўзлигини англаш, миллий ғурур, миллий маданий бойликларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлмай қоладилар.

Педагогик ёндашувлар тизимида этнопедагогик кадриятларни мазмун-моҳиятини баҳолашда турлича ёндашувлар мавжуд.

Аксарият мутахассислар этнопедагогик кадриятларни дарсда табиат ва инсоннинг унда тутган ўрнини ўрганиш лозим деб ҳисоблайдилар. Катталар ва кичик ёшдаги инсонлар орасидаги шахслараро муносабатлар, халқнинг оилавий турмуш тарзи, анъаналари, қариндош-уруғлар орасидаги муносабатлар, халқ маданияти, тарихи, қаҳрамонона курашлари этнопедагогик кадриятлар мазмунида ўз ифодасини топган бўлиб, тарбиявий мақсадларда улардан унумли фойдаланиш зарурияти кучаймоқда. Урф-одатлар ва анъаналарнинг ёш авлод онгига таъсир кўрсатиш усулларидан фойдаланиш самарадоликка эришишни таъминлайди. Шу билан бир қаторда этнопедагогик кадриятлар ўзбек халқи маданияти, тарихи, маданияти ва тараққиёт босқичларини ўқувчи-ёшларга ўргатишнинг энг қулай воситаси ҳисобланади.

Этнопедагогик кадриятлар қуйидаги тушунчалар билан бевосита боғлиқ: халқ, халқ маданияти, миллат, таълим, тарбия, анъаналар, миллий ўзликни англаш, оламнинг миллий манзараси, миллатнинг хулқ-атвор модели кабилар. Бу тушунчаларнинг барчаси миллат ва таълим-тарбия тушунчалари билан бевосита боғлиқ. Миллий маданият улар орасидаги умумийликни белгиловчи ҳодиса ҳисобланади. У кўплаб таркибий қисмларни ўз ичига олади. Улар тил, урф-одатлар, диний эътиқод, анъаналар, хулқ-атвор меъёрлари, оғзаки ижод намуналаридан иборат. Уларнинг барчаси этнопедагогиканинг бир-бирини тақозо қилувчи таркибий қисмлари ҳисобланади. Шунингдек, булар миллий маданиятнинг ҳам таркибий қисмлари бўлиб, инсон онгининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатиб, унда ижобий ҳис-туйғуларнинг вужудга келишини таъминлайди.

Ўқувчиларга этномаданий кадриятларни тақдим этишда турли усуллардан фойдаланиш мумкин. Бунда моддий ва маънавий маданият манбалари муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шахснинг ҳатти-ҳаракатлари, тили, вербал нутқ воситалари

этномаданий қадриятларни тақдим этишнинг муҳим воситалари ҳисоланади. Шу маънода халқ рақслари, қўшиқлари, айтимлари, бахшичилик санъати намуналари кўрсатиш мумкин. Бахшичилик санъатида асосан дostonлар куйланади. Бахшилар халқ томонидан донишманд, ақлли инсонлар сифатида эътироф этилган. Ушбу санъат тури этнопедагогик қадрият сифатида катта тарбиявий имкониятларга эга. Бахшилар аксарият ҳолда қаҳрамонлик дostonларини куйлаганлар. Бундай дostonлар ёшларда катта қизиқиш уйғотиб, улар онгига тез таъсир кўрсатади. Қаҳрамонлик дostonлари тингловчиларда миллий ғуруни шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Дostonлар матнида қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, ички кечинмалари акс этган бўлиб, улар ўқувчи онги ва ҳис-туйғуларига сезиларли таъсир кўрсатади. Дostonларда севги-муҳаббат, қаҳрамонлик, саргузашт, жанг лавҳалари акс этган. Дoston қаҳрамонлари ўзининг мардлиги, жасорати билан ўқувчилар орасида ҳурмат қозонади.

Қаҳрамонлик эпослари ўқувчи-ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Уларда қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатган шахснинг ватан озодлиги, халқни бирлаштириш йўлидаги ҳаракатлари, чеккан захматлари, фидойийлиги, душман билан курашишдаги жасорати баён этилган бўлиб, улар ёшлар қалбида ғурур туйғусини кучайтиради. Уларни фаоллаштиришга хизмат қилади. Масалан “Алпомиш” дostonида ўзбек халқига хос бўлган миллий анъаналар, куч-қудрат, озодлик ва мустақиллик йўлидаги қаҳрамонона кураш, дўстлик, миллий бирликни ҳимоя қилиш ғояси устувор ўрин эгаллайди.

Севги мавзусидаги дostonлар эса ўқувчиларнинг ҳиссий оламига таъсир кўрсатиб, уларда пок севгидан ғурурланиш, уни ҳимоя қилиш туйғусини кучайтиради.

Жангнома характеридаги дostonлар ҳам ўқувчи ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

Ҳайратли жанглар тасвири, дoston қаҳрамонлари кўрсатган жасорат, айниқса ўғил болаларни ўзига ром қилиб, уларни рағбатлантиради. Мазкур дostonлар аксарият ҳолларда фантастик характерга эга бўлади.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларни жасорат кўрсатиш ҳақида ҳаёл суришга ундайди. Бундай жангнома дostonлар сирасига “Юсуф билан Аҳмад”, “Алибек билан Болибек”, “Қирқ минг” кабиларни киритиш мумкин.

Тарихий дostonлар ҳам ўқувчи-ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилади. Уларда ўзбек халқининг тарихи акс этган. Масалан “Ойсулув” дostonида халқимизнинг икки ярим минг йил аввал мустақиллик учун олиб борган курашлари акс этган. “Ойсулув” дostonи билан “Тўмарис” ҳақидаги ривоятлар орасида ўзаро ўхшашлик бўлиб, ўқувчи қизларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қилади. Тарихий дostonлар сирасига “Тулумбий”, “Шайбонийхон”, “Ойчинор”, “Намоз”, “Маматкарим полвон”, “Жиззах қўзғалони” кабиларни киритиш мумкин.

Кўриниб турибдики дostonларда миллатнинг миллат сифатида шаклланишидан бошлаб, унинг урф-одатлари, анъаналари, маросимлари, маданияти, ижтимоий турмуш тарзи, фалсафий қарашлари, идеаллари, интилишлари ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам дostonлар ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда энг маҳсулдор этнопедагогик восита бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчиларда этнопедагогик қадриятлар воситасида миллий ғурурни шакллантириш жараёнида ўзига хос муаммолар мавжуд. Ушбу муаммолар ўқитувчидан алоҳида эътиборни талаб қилади. Мазкур муаммоларнинг ечими этнопедагогик қадриятлар ва миллий маданиятга оид тушунчаларнинг мазмун моҳиятини ўқувчилар тўлиқ англаб олишларига кўмаклашади.

Халқ педагогика асосини ташкил этган этнопедагогик кадриятларни ўқувчиларга тақдим этиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ўқитувчининг педагогик фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади. Чунки этнопедагогик кадриятларда ўзига хос жиҳатлар мавжудки, ўқитувчилар уни ўз вақтида англаб етишлари талаб қилинади. Этнопедагогик кадриятлар биринчи навбатда катта тарбиявий имкониятларга эга. Мазкур кадриятлар ёрдамида ўқувчилар миллий онгга эга бўладилар. Тарбиявий ишларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан таълим жараёнида педагогларнинг миллий анъаналардан самарали фойдалана олишларига боғлиқ. Ўқитувчилар ушбу йўналишдаги ишларга ота-оналарни ҳам моҳирлик билан жалб қила олишлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўзбек халқининг аксарият анъаналари бевосита оилавий турмуш тарзи билан боғлиқ. Шундагина миллий ғурур тарбиясида оила ва мактаб фаолияти уйғунлашади.

Ўзбек халқининг турмуш тарзида фарзанд тарбияси устувор ўрин эгаллайди. Таълим жараёнида миллий анъаналарга қанчалик кенг ўрин ажратилса, ўқувчи-ёшларнинг миллий онги, дунёқараши, маданияти шунчалик жадал ривожланади. Ўзбек халқининг урф-одатлари меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлиб улар ҳақида ўқувчиларни хабардор қилиш орқали меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, ғурур туйғулари шакллантирилади.

Педагогик ходисалар ва тарбия усуллари халқ педагогикасининг барча воситларида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам улар этнопедагогик кадрият сифатида эътироф этилади. Масалан тўйлар, миллий байрамлар, мавсумий меҳнат анъаналари ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бундай анъаналар ўқувчи-ёшларни ижобий хулқ-атвор мотивларини эгаллашга ундайди. Жумладан халқ кўшиқларида миллатимиз вакиллари кўп асрлик орзу-умидлари, интилишлари ўз ифодасини топади. Уларда панд-насиҳат устувор ўрин эгаллайди. Бундай

қўшиқлар ўқувчиларни мантикий фикрлаш ва мушоҳадага ундайди. Уларда ёшларни ғурурли бўлишга даъват этилади.

Қўшиқларда мусиқа, шеърият ва тарбия усуллари уйғун тарзда ифодаланади. Улар ўзбек халқи маданияти, урф-одатлари, анъаналари, эстетик диди ва дунёқарашидан ёш авлодни хабардор қилади. Қўшиқларда халқнинг атроф-муҳит, табиат, моддий борлиқ, меҳнат, муҳаббат, қариндош-уруғлар ва дўстларга муносабати ўз ифодасини топган. Улар ёш авлодни салбий ҳатти-ҳаракатлардан огоҳлантириб, эзгу амалларни бажараишга ундайди. Қўшиқларда халқ тафаккури, унинг педагогик ёндашувлари ўз аксини топган. Қўшиқларда гўзалликга интилиш ва раҳмдилликка чорлаш уйғун ҳолатда ифодаланади.

Халқ қўшиқлари ўзида юксак даражадаги миллик кадриятларни мужассамлаштиради. Улар ёшларни меҳр-шавқат кўрсатиш ва ўз бахту саодати учун курашга чорлайди. Шу билан бир қаторда қўшиқлар ўқувчиларда нафосат ҳисси ва дидни тарбиялайди. Гўзалликдан завқланишга, ғурурланишга ўргатади. Шунинг учун ҳам қўшиқлар таълим-тарбия жараёнида педагогик функцияни бажаради.

Қўшиқларда миллат ҳаётининг барча жабҳалари ўз ифодасини топган. Уларда шахс ҳаётининг ахлокий, эстетик кўринишлари акс эттирилади. Шунинг учун ҳам халқ ҳаёти, дунёқарашини ўзида ифодалаган қўшиқлар ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг муҳим воситаси бўла олади.

Илк бор Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девон-у луғотит турк”[72]асарида халқ қўшиқларидан намуналар жамлаган. Мазкур асарда асосан халқ қаҳрамонлигини эътироф этадиган ўнлаб қўшиқлар киритилган.

Улар миллий ғурур тарбиясининг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Абдурауф Фитрат ўзининг “Энг эски турк адабиёти намуналари” асарида халқ қўшиқларини мавзуларга ажратиб гуруҳлаган.

Музайяна Алавия эса халқ кўшиқларини ёзиб олиб, чуқур тадқиқ қилган. Музайяна Алавиянинг таъбирича: “...оддий ҳаёт ходисалари туғдирган ҳиссиётни ифодалаган, куйга солишга қулай, қисқа, эсда қоладиган қофия, вазнга эга бўлган шеър кўшиқ бўла олади” [22]

Ўзбек маросим кўшиқларини филология фанлари доктори Б.Саримсоқов [107] ҳам чуқур ўрганиб, уларнинг халқ тарихи, маданияти ва урф-одатларини ўрганишнинг муҳим воситаси эканлигини таъкидлаган.

Фольклоршунос олима Музайяна Алавиянинг “Ўзбек халқ маросим кўшиқлари” [22], филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Саримсоқовнинг “Ўзбек маросим фольклори”[107], филология фанлари доктори, профессор Маматкул Жўраевнинг “Ўзбек мавсумий маросим фольклори”[46], олим Насриддин Назаровнинг “Лақайлар: этнография, лингвистика ва фольклор”[84] асарларида ўзбек халқ кўшиқларининг халқ тарихини ўрганишнинг муҳим воситаси эканлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Миллий ғурур халқ руҳиятининг юксак ифодаси. Ўзлигини англаган ҳар бир шахс миллий ғурур туйғусига эга бўлиб, уни олий қадрият сифатида эътироф этади. Аجدодларимиз асрлар давомида барпо этган этнопедагогик қадриятларнинг асоси ва мазмун моҳиятини ёш авлодда миллий ғурур туйғусини шакллантириш ташкил этади. Ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш ҳар доим ватанпарварлик, халқпарварлик, фуқаролик, толерантлик билан уйғун тарзда амалга оширилган. Бу айниқса халқ дostonлари қаҳрамонларининг образларида яққол намоён бўлади.

Бизнинг ота-боболаримиз ўз халқининг урф-одатларини ўзлаштириш баробарида ўзи билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллат вакиллариининг ҳам ўзлиги, урф-одатларини ҳурмат қилган. Бироқ миллий қадриятларимиз, турмуш тарзимиз,

ўзлимиз, маънавиятимиз ва маданиятимизга хос бўлмаган хатти-ҳаракатлар, урф-одатларни кўр-кўрона ўзлаштириб, қабул қилмаган. Оммавий маданият хуружлари тобора кенг кўлам касб этаётган бугунги кунда аجدодларимизнинг ушбу тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Ота-боболаримиз миллатлараро, динлараро, бағрикенгликнинг юксак намунасини кўрсатиш билан бир қаторда ўзларининг мазкур сифатларини миллий ғурур туйғуси билан уйғунлаштирганлар. Шу мақсадда халқ оғзаки ижоди намуналари, урф-одатлар, анъаналар орқали мазкур сифатларни ёш авлод онгига сингдиришга ҳаракат қилганлар. Этнопедагогик қадриятлар ёрдамида ёшларни эзгу амалларни бажаришга даъват қилганлар. Буни Авестодаги “Езгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” шиори, халқ қўшиқлари, афсоналар, эртақ ва достонлар мазмунида яққол кўриш мумкин.

Халқаро муносабатлар кўлами кенгайган сари ёш авлод онгида миллий ғурур билан бир қаторда толерантликни сингдириш эҳтиёжи ҳам барча даврларда кучайиб борган. Шунинг учун ҳам мазкур туйғуни шакллантиришнинг энг қулай воситаларини яратишга ҳаракат қилинган. Ушбу мақсадда педагогик ғоялар халқ оғзаки ижоди намуналари, ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари, тошбитиклар, тасвирий воситалар, хунармандчилик маҳсулотлари мазмунига сингдирилган. Болалар ва ўсмир ёшдаги таълим олувчилар ҳам қарвонсаройларда давомли тарзда қиссахонликлар, достонхонликларда иштирок этганлар.

Бу ўринда бахшилар, қиссахонлар устоз вазифасини ўтаб ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга муҳим ҳисса қўшганлар. Бу тажриба узоқ асрлар мобайнида авлодлардан авлодларга ўтиб маънавий-маданий характердаги этнопедагогик мерос вужудга келган. Мазмунан тарбиявий имкониятларга бой бўлган мазкур этнопедагогик қадриятларда миллий ғурур тарбияси устивор ўрин эгаллаган.

Инсонлар турли миллат ва элат вакиллари орасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, миллий ғурур орқали намоён бўлишини чуқур

англаб етганлар. Бу айниқса, достон ва эртакларнинг қаҳрамонлари тимсолида намоён бўлган. Эртаклар, достонлар ва афсоналарда турли миллат вакиллари орасидаги ўзаро ҳурмат, мухаббат, миллий ғурурнинг юксалишига хизмат қилган. Чунки достон ва эртакларнинг қаҳрамонлари ҳар бир миллат ёки ҳудудга хос бўлган қадриятлар сифатида намоён бўлган тарбиявий воситаларнинг кўпайишига ҳисса қўшганлар. Чунки мазкур қаҳрамонлар биринчи навбатда ўзлиги, ўз қадр-қиммати аниқлаб етган. Уларнинг ғурури достонларда тасвирланганидек, тоғдан баланд бўлган. Ҳаракатлари эса эзгу амалларни бажаришга қаратилган. Бу достон ва эртак қаҳрамонларининг тоғдан баланд ғурури, ўзлигини аниқлаганлиги, ватанпарварлиги, халқпарварлигидан далолат берган. Достон қаҳрамонларига хос бўлган миллий ғурур, уларнинг мухаббати, атрофдагиларга муносабати, садоқати, ўз дўстлари, ота-онасини қадрлашлари орқали намоён бўлган.

Ўқувчи-ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар, халқ байрамлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Амалий санъат ва халқ хунармандчилиги намуналарида миллатимиз вакиллариининг орзу-умидлари билан бир қаторда фахру-ғурурига сабаб бўладиган жиҳатлар ҳам ўз ифодасини топган. Этнопедагогик қадриятларнинг асосий намунаси бўлган ушбу дидактик воситалар ўқувчиларни ўзбек халқининг тарихи, маданияти, турмуш тарзи, машғулоти, урф-одатлари, аждодлари, ўзлиги ҳақида хабардор қилади.

Миллий ғурур туйғуси ёш йигит-қизларни қаҳрамонлик кўрсатишга ундаб, ватанпарварлик, халқпарварлик, толерантлик, бардошлилик, жўмардлик билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлган. Миллий ғурур аждодларимизни қаҳрамонлик кўрсатишга сафарбар қилиб, миллий осойишталикни таъминлашга хизмат қилган. Бу халқ қўшиқлари, эртак, достон ва афсоналарда ўз ифодасини топган.

Ўта китобхон ва илмга ташна бўлган аجدодларимизнинг бадий юксак кўшиқларни яратганлиги фолклор намуналарида ўз аксини топган. Шунингдек, уларнинг қоятошларга битган суратлари ҳам бугунги кунда миллий ғурур тарбиясининг муҳим воситаси бўла олади. Педагогик кадриятлар даражасига кўтарилган дидактик воситаларда кўптиллилик маданиятига эга бўлиш тарғиб қилинган. Бироқ бу ўринда кўптиллилик она тилидан ғурурланишга ва уни ўрганишга ҳамда ёшларга тарғиб қилишга йўналтирилган. Санъатга оид билимлар воситасида ўқувчиларда миллий ва умуммаданий компетенцияларни шакллантириш тизими халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган эртақлар, “Алпомиш”, Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”, “Тўрўғли”, “Авазхон” туркумидаги дostonлар ва улар таркибидаги халқ кўшиқлари миллий ғурур тарбиясини амалга оширишда кенг имкониятларга эга.

Турли ўқув предметларини ўқитиш жараёнида этнопедагогик кадриятлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчилар ўқув дастуридаги мавзулар билан боғлиқ ҳолда ўқувчиларда этнопедагогик кадриятлар даражасидаги асарлардан фойдаланишлари лозим. Мазкур жараёнда ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда ўқитувчилар инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланишлари керак.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёни биринчи навбатда уларнинг ўзликларини англашларини таъминлаш принципи асосига қурилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда педагоглар шахсга йўналтирилган ҳамда ривожлантирувчи таълим технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда этнопедагогик кадриятларни қўллаб, ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнларини лойиҳалаштиришлари талаб қилинади. Этнопедагогик кадриятлар ёрдамида ўқувчилар биринчи навбатда ўзбек халқининг кўп асрлик ижтимоий тажрибасини ўзлаштиришга муваффақ бўладилар. Бу жараёнда педагоглар кўпроқ рефлексия методидан фойдаланишлари лозим.

Натижада улар аксиологик йўналишдаги педагогик вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ.

Этнопедагогик воситаларни тақдим этиш орқали ўқувчиларни рухий соғломлаштириш ижтимоий ҳаётга муваффақиятли тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Халқ мақолларининг ўқувчиларни ижтимоий-интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш имкониятларидан унумли фойдаланиш тавсия этилади.

Маълумки, этнопедагогик қадриятларда ўзбек халқининг турмуш тарзига хос бўлган ҳаётий механизмлар ўз ифодасини топган. Бу ўқувчиларнинг рухий имкониятларини кенгайтиради. Шу билан бир қаторда халқнинг миллий менталитети хусусиятларини ўзлаштиришларига кўмаклашади. Натижада ўқувчиларда соғлом ментал дунёқараш таркиб топади. Шу билан бир қаторда этнопедагогик қадриятлардан фойдаланиш жараёнида ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантиришнинг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади.

Улкан педагогик қадриятлар мажмуини ўзида мужассамлаштирган Хадиси шарифдларда илгари сурилган қадриятлар, эзгу қарашлар, афсоналардаги халқ орзу-умидлари баёни асрлар давомида тўпланиб, қатъийлашган соғлом турмуш тарзи ва ҳалолликни тарғиб қилувчи меъёрлар, урф-одатлар, анъаналар, халқ кўшиқлари, тарихий обидалар, шарқ меъморчилигининг юксак намуналари, муқаддас қадамжолар тарихи ва тавсифи, ўзликни англаш, ёш авлодда миллий ғурурни шакллантириш принципи асосида таркиб топтирилган бўлиб, ўқувчиларда миллий ғурур ва маданий дунёқарашни вужудга келтиришга хизмат қилади. Педагогик қадриятлар ёрдамида ўқувчи-ёшлар миллатимиз, эътиқодимизга хос бўлган шариат ва тариқат талаблари билан танишиб, миллий ғурур ҳиссини туядилар. Уларда бебаҳо меросимиз, халқнинг беқиёс даҳосидан ғурурланиш туйғуси пайдо бўлиб, миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимини ўзлаштиришга муваффақ бўладилар.

Бугунги кунда мамлакатимиз ёшларида миллий ғурур туйғусини шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, зарур ҳуқуқий-меъёрий пойдевор вужудга келтирилди. “Узлуксиз маънавий тарбия концепсияси”[1], “Миллий маданиятни ривожлантириш концепсияси”[2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4320-сон Қарори[3] қабул қилинди. Халқ бахшиларининг ижоди, улар қуйлаган дoston ва термалар ўқувчи ҳамда талаба-ёшларда миллий ғурур, мардлик, ватанпарварлик, жасорат туйғусини шакллантиришда муҳим восита сифатида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган педагогик қадриятларни танлаш, тизимлаштириш билан бир қаторда педагогларни бу соҳадаги ҳуқуқий-меъёрий асослар билан ҳам яқиндан таништирган ҳолда, уларнинг педагогик билимларини бойитишга кўмаклашиш лозим. Шундагина ўқувчи ҳамда талаба-ёшлар ақидапарастларнинг ғоявий ҳужумлари, оммавий маданият тарғиботчиларининг курашларига қарши тура оладилар. Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда дарс билан бир қаторда дарсдан ташқари педагогик жараёнлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Синф раҳбарлари, фан ўқитувчилари, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари ҳам бу имкониятдан унумли фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

2.2-§. Этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш усуллари ва методлари

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда этнопедагогик қадриятлардан фойдаланиш таълим жараёнида ўзига хос усул ва методлардан фойдаланишни талаб қилади. Бунда дастлаб қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- ўқувчиларда этнопедагогик қадриятлар ҳисобланган фольклор намуналарини ўрганиш мотивларини ҳосил қилиш, шу асосда уларни ўзбек халқининг асрий анъаналари билан яқиндан таништириш;

- этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларни ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси билан яқиндан таништириш орқали уларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш;

- этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда тарихий-маданий тафаккур ривожланиб аجدодлар тажрибасидан фахрланиш, уни ўрганишга қизиқиш ҳисси вужудга келишини таъминлаш;

- этнопедагогик қадриятлар воситасида шахсий сифатлар, эстетик дид ва дунёқарашни жадал ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш кабилар.

Биз юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда қуйдагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисобладик:

1. Ўқувчиларни тизимли тарзда этнопедагогик қадриятлар ҳисобланган фольклор намуналари билан яқиндан таништириш, бунда тарбия, ўқиш, адабиёт, Ўзбекистон тарихи ўқув фанларининг имкониятлари ва синфдан ташқари таълим-тарбиявий тадбирлардан самарали фойдаланиш;

2. Ўқувчиларга ўзбек халқ эртаклари, дostonлари, ривоятлар ва афсоналарда ифодаланган қаҳрамонлик мазмунидаги лавҳаларни ажратиш ва баҳолаш кўникмасини ҳосил қилиш;

3. Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда қуйдагиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади: фольклор намуналар ҳисобланган кўшиқлар, дostonлар, ривоятларни мазмунини сўзлаб бера олишлари, унда ифодаланган асосий ғояни ажрата билишлари, ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг ўзига хос ишларини фарқлай олишлари ва уларга муносабат билдиришлари;

4. Достон ва эртак қаҳрамонларининг ҳатти-ҳаракатларини муносиб баҳолай олишлари;

5. Халқ кўшиқларининг эстетик, ахлоқий аҳамияти, шахсни маданий ривожлантириш имкониятига эга эканлигини билишлари ва англаб етишлари.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган воситаларни танлашда уларнинг ёш хусусиятлари, таълим мазмуни ва ўқув предметининг ўзига хос жиҳатларини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Этнопедагогик кадриятларни ўз ичига олган фольклор намуналарини синфлар кесимида тақсимлашда ўқув предметлари ва синфдан ташқари педагогик тадбирларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш назарда тутилади. Бунда ўқитувчининг ўқувчиларни этнопедагогик кадриятлар билан таништириш, шу мақсадда иккиламчи дидактик лойиҳаларни танлаш, тизимлаштириш, лойиҳалаш ва оналар билан ҳамкорлик қилишга оид касбий маҳоратини ҳам ривожлантиришни назарда тутиш керак.

Биз этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда қуйидагиларга ҳам эътибор қаратдик. Этнопедагогик кадриятларнинг таркибий қисми бўлган муайян фольклор намунасида ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантиришга хизмат қиладиган сюжетнинг ифодаланганлиги, ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда сахна кўринишлари, имитациялашган вазиятлардан унумли фойдаланишга эътибор қаратилиши, танланган халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш билан бир қаторда эстетик дид, миллий-маданий дунёқараш, мантикий ҳамда таҳлилий фикрлаш, асар қаҳрамонларини танқидий баҳолаш кўникмаларини шакллантира олиши кабилар.

Фольклор намуналари воситасида ўқувчиларда аждодларимизнинг ҳаёт тарзи, дунёқараши, маданияттига нисбатан

ҳиссий-қадриятли муносабат таркиб топади. Фольклор намуналарининг шахс онгига ижобий таъсир кўрсатиши натижасида позитив ҳис-туйғулар ва маданий дунёқараш шаклланади. Натижада ўқувчиларда турли педагогик тадбирлар, бадиий кечалар, байрам тамошаларида фольклор намуналарини куйлаш, улардан эстетик завқланиш, халқ ўтмишига нисбатан қадриятли муносабатда бўлиш, аجدодларимизнинг эзгу амалларидан ғурурланиш, халқ қаҳрамонларининг эзгу ишларини давом эттиришга рағбат таркиб топади. Шунга кўра фольклор намуналари ўқувчиларни комплекс ривожлантириш имкониятига ҳам эга.

Ўқувчиларда этнопедагогик қадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантиришда муайян принципларгга таяниш самарадорликка эришиши имконини беради.

- ўқувчиларга этнопедагогик қадриятларни тизимли тарзда тақдим этилиши.

Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқ қаҳрамонлиги, маданияти, эътиқодий қарашлари ифодаланган фольклор намуналарини танлаши, тизимлаштириши лозим.

- Ўқувчиларга фольклор намуналарини тақдим этишда унинг синкретик характери сақлаб қолиниши.

Бунинг учун ўқитувчи фольклор намуналарини жозибали овозда ўқиб бериши ёки қисмларга бўлиб ўқувчиларга навбатма-навбат ўқитиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

- Этнопедагогик қадриятларни ўқувчиларга тақдим этишда давр колоритини ифодалашга хизмат қиладиган расмлар, иллюстрациялардан фойдаланилиши.

Ушбу принципни амалга ошириш учун асарда жонланган манзараларни кўргазмали тарзда ўқувчиларга тақдим этиш мақсадида, аудио, видео, визуал воситалардан фойдаланиш назарда тутилади.

Ўқувчиларда этнопедагогик қадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар

дастлаб эртакларни ўқиб, таҳлил қилишдан бошланиши лозим. Чунки болалар эртакларни осон ўзлаштирадиган ва ундаги қаҳрамонларни хотираларида яхши сақлаб қоладилар. Мазкур жараёнда ўқитувчи дарсда ва дарсдан ташқари педагогик вазиятларда ўзбек халқ эртаклари асосида ишланган мультфильмлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Бу жараёда ўқувчилар эртақ қаҳрамонларининг ҳатти-ҳаракатларини эсда сақлаб қолиб, ўз ўрнида баҳолайдилар. Уларнинг ижобий сифатларидан рағбатланиб, салбий ҳатти-ҳаракатларини қоралайдилар. Ўқитувчи бундай вазиятдан самарали фойдаланган ҳолатда ўқувчиларни баҳс-мунозара ва фаол муҳокама вазиятига олиб кириши керак.

Ўқувчилар синфдан-синфга ўтган сари уларга тақдим этиладиган халқ оғзаки ижоди намуналари ҳажмини кўпайтириш ва эпослар, достонларда тизимли тарзда фойдаланиш тавсия этилади. Қаҳрамонлик достонлари ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг энг самарали воситаси бўлганлиги учун ҳам, ўқитувчи улар ёрдамида кичик-кичик саҳна кўринишларини тайёрлаб, мазкур ижодий жараёнга синфдаги барча ўқувчиларни имкон қадар жалб эта олиши лозим. Бундай тадбирларда ўқувчилар достон қаҳрамонларининг ролларини бажарадилар. Уларнинг ҳис-туйғулари ва кечинмаларига шерик бўладилар, достон қаҳрамонлари яшаган давр руҳини ҳис этадилар.

Ўқувчиларда этнопедагогик қадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантириш узлуксиз педагогик жараёнда амалга оширилиб, бунда дарслар билан бир қаторда дарсдан ташқари педагогик вазиятлар ҳам муҳим педагогик аҳамият касб этади. Бунда педагоглар этнопедагогик қадриятлани ўқувчиларга тақдим этишга хизмат қиладиган тадбирларнинг уларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қилишига эътибор қаратишлари лозим.

Дарсдан ташқари жараёнларда ташкил этиладиган педагогик вазиятлар ва тадбирлар ўқувчиларнинг этнопедагогик кадриятларни чуқурроқ ўзлаштириб, миллий ғурур туйғусини эгаллашларига хизмат қилиши назарда тутилади. Бундай педагогик тадбирлар жараёнида ўқувчиларда аجدодларимизнинг қаҳрамонона ҳаёти, маданияти, халқ ўйинлари, қўшиқлари, достон ва эртақ қаҳрамонларига нисбатан чуқур ҳурмат ва улардан ғурурланиш туйғуси мустаҳкамланади. Мазкур педагогик тадбирлар ўқувчилар билан бир қаторда ўқитувчиларни ҳам изланишга ундаб, маданий дунёқарашини бойитади.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда этнопедагогик кадриятлардан фойдаланиш таълим жараёнида ўзига хос усул ва методлардан фойдаланишни талаб қилади. Бунда дастлаб қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- ўқувчиларда этнопедагогик кадриятлар ҳисобланган фольклор намуналарини ўрганиш мотивларини ҳосил қилиш, шу асосда уларни ўзбек халқининг асрий анъаналари билан яқиндан таништириш;

- этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларни ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси билан яқиндан таништириш орқали уларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш;

- этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда тарихий-маданий тафаккур ривожланиб аجدодлар тажрибасидан фахрланиш, уни ўрганишга қизиқиш ҳисси вужудга келишини таъминлаш;

- этнопедагогик кадриятлар воситасида шахсий сифатлар, эстетик дид ва дунёқарашни жадал ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш кабилар.

Биз юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисобладик:

1. Ўқувчиларни тизимли тарзда этнопедагогик қадриятлар ҳисобланган фольклор намуналари билан яқиндан таништириш, бунда тарбия, ўқиш, адабиёт, Ўзбекистон тарихи ўқув фанларининг имкониятлари ва синфдан ташқари таълим-тарбиявий тадбирлардан самарали фойдаланиш;

2. Ўқувчиларга ўзбек халқ эртаклари, дostonлари, ривоятлар ва афсоналарда ифодаланган қаҳрамонлик мазмунидаги лавҳаларни ажратиш ва баҳолаш кўникмасини ҳосил қилиш;

3. Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади: фольклор намуналар ҳисобланган кўшиқлар, дostonлар, ривоятларни мазмунини сўзлаб бера олишлари, унда ифодаланган асосий ғояни ажрата билишлари, ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг ўзига хос ишларини фарқлай олишлари ва уларга муносабат билдиришлари;

4. Дoston ва эртақ қаҳрамонларининг ҳатти-ҳаракатларини муносиб баҳолай олишлари;

5. Халқ кўшиқларининг эстетик, ахлоқий аҳамияти, шахсни маданий ривожлантириш имкониятига эга эканлигини билишлари ва англаб етишлари.

1 расм.

Этнопедагогик манбалардаги образларнинг ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга кўмаклашадиган педагогик ахлоқий тимсоллари

№	Этнопедагогик манба номи	Дoston қаҳрамонлари	Қаҳрамонларнинг ўқувчиларда миллий ғурурни акллантиришга кўмаклашадиган фазилатлари
1	Алпомиш дostonи	Алпомиш	Мард, жасур, кучли, миллатпарвар, дўстига, халқига садоқатли, Ватани эрки учун курашувчи
		Барчиной	Вафоли, оқила, ақл билан иш кўрувчи

		Бойчибор	Садоқатли, дўстини оғир вазиятларда ёлғиз қолдирмайдиган дўст
		Қоражаон	Дўстликни қадрлайдиган, дўстига ҳамиша ёрдамга интиладиган
2.	Гўрўғли достони	Гўрўғли	Мардлик, жасоратлилик, кўркмаслик, олдига қўйган мақсадига эришиш учун сидкидилдан ҳаракат қилиш
		Ғирот	Дўсти билан ҳамиша йўлдош бўлиш, қувончига ҳам дардига ҳам шерик бўлиш, дўстини ҳар қандай вазиятда ҳам ташлаб кетмаслик
		Юнус пари	Гўзаллик, севганига вафоли бўлиш, ёрини садоқат билан кутиш, иболи ҳаёли бўлиш
3.	Эгри ва Тўғри эртаги	Тўғривой	Тўғри сўзлиги, ҳалоллиги, дўстидан ҳеч нарсасини аямаслиги, мушкул аҳволга тушганларга ёрдамга шошиши.
		Эгривой	Эгривойдаги ёлғончилик, алдаш, бировларни ҳаққини ейиш каби ёмон фазилатлардан нафратланиш ва бундай ёмон хулқли бўлишнинг оқибати тўғрисида хулоса чиқариш
4.	Луқмони ҳаким ривояти	Луқмони ҳаким	Ҳикматларга амал қилувчи, билим олишга интилувчи, яхшилик қилишга ундовчи
		Луқмони ҳакимнинг ўғли	Хато ишларидан хулоса чиқарувчи, ўзини таҳлил қилувчи, илм олишга интилувчи

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган воситаларни танлашда уларнинг ёш хусусиятлари, таълим мазмуни ва ўқув предметининг ўзига хос жиҳатларини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Этнопедагогик кадриятларни ўз ичига олган фольклор намуналарини синфлар

кесимида тақсимлашда ўқув предметлари ва синфдан ташқари педагогик тадбирларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш назарда тутилади. Бунда ўқитувчининг ўқувчиларни этнопедагогик қадриятлар билан таништириш, шу мақсадда иккиламчи дидактик лойиҳаларни танлаш, тизимлаштириш, лойиҳалаш ва ота-оналар билан ҳамкорлик қилишга оид касбий маҳоратини ҳам ривожлантиришни назарда тутиш керак.

Биз этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда қуйидагиларга ҳам эътибор қаратдик. Этнопедагогик қадриятларнинг таркибий қисми бўлган муайян фольклор намунасида ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантиришга хизмат қиладиган сюжетнинг ифодаланганлиги, ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда сахна кўринишлари, имитациялашган вазиятлардан унумли фойдаланишга эътибор қаратилиши, танланган халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш билан бир қаторда эстетик дид, миллий-маданий дунёқараш, мантикий ҳамда таҳлилий фикрлаш, асар қаҳрамонларини танқидий баҳолаш кўникмаларини шакллантира олиши кабилар.

Фольклор намуналари воситасида ўқувчиларда аجدодларимизнинг ҳаёт тарзи, дунёқараши, маданияттига нисбатан ҳиссий-қадриятли муносабат таркиб топади. Фольклор намуналарининг шахс онгига ижобий таъсир кўрсатиши натижасида позитив ҳис-туйғулар ва маданий дунёқараш шаклланади. Натижада ўқувчиларда турли педагогик тадбирлар, бадий кечалар, байрам тамошаларида фольклор намуналарини куйлаш, улардан эстетик завқланиш, халқ ўтмишига нисбатан қадриятли муносабатда бўлиш, аجدодларимизнинг эзгу амалларидан ғурурланиш, халқ қаҳрамонларининг эзгу ишларини давом эттиришга рағбат таркиб топади. Шунга кўра фольклор намуналари ўқувчиларни комплекс ривожлантириш имкониятига ҳам эга.

Ўқувчиларда этнопедагогик қадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантиришда муайян принципларга таяниш самарадорликка эришиши имконини беради.

- ўқувчиларга этнопедагогик қадриятларни тизимли тарзда тақдим этилиши.

Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқ қаҳрамонлиги, маданияти, эътиқодий қарашлари ифодаланган фольклор намуналарини танлаши, тизимлаштириши лозим.

- Ўқувчиларга фольклор намуналарини тақдим этишда унинг синкретик характери сақлаб қолиниши.

Бунинг учун ўқитувчи фольклор намуналарини жозибали овозда ўқиб бериши ёки қисмларга бўлиб ўқувчиларга навбатма-навбат ўқитиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

- Этнопедагогик қадриятларни ўқувчиларга тақдим этишда давр колоритини ифодалашга хизмат қиладиган расмлар, иллюстрациялардан фойдаланилиши.

Ушбу принципни амалга ошириш учун асарда жонланган манзараларни кўргазмали тарзда ўқувчиларга тақдим этиш мақсадида, аудио, видео, визуал воситалардан фойдаланиш назарда тутилади.

Ўқувчиларда этнопедагогик қадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастлаб эртакларни ўқиб, таҳлил қилишдан бошланиши лозим. Чунки болалар эртакларни осон ўзлаштирадилан ва ундаги қаҳрамонларни хотираларида яхши сақлаб қоладилар. Мазкур жараёнда ўқитувчи дарсда ва дарсдан ташқари педагогик вазиятларда ўзбек халқ эртаклари асосида ишланган мультфильмлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Бу жараёда ўқувчилар эртак қаҳрамонларининг ҳатти-ҳаракатларини эсда сақлаб қолиб, ўз ўрнида баҳолайдилар. Уларнинг ижобий сифатларидан рағбатланиб, салбий ҳатти-

ҳаракатларини қоралайдилар. Ўқитувчи бундай вазиятдан самарали фойдаланган ҳолатда ўқувчиларни баҳс-мунозара ва фаол муҳокама вазиятига олиб кириши керак.

Ўқувчилар синфдан-синфга ўтган сари уларга тақдим этиладиган халқ оғзаки ижоди намуналари ҳажмини кўпайтириш ва эпослар, дostonларда тизимли тарзда фойдаланиш тавсия этилади. Қаҳрамонлик дostonлари ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг энг самарали воситаси бўлганлиги учун ҳам, ўқитувчи улар ёрдамида кичик-кичик сахна кўри-нишларини тайёрлаб, мазкур ижодий жараёнга синфдаги барча ўқувчиларни имкон қадар жалб эта олиши лозим. Бундай тадбирларда ўқувчилар дoston қаҳрамонларининг ролларини бажарадилар. Уларнинг ҳис-туйғулари ва кечинмаларига шерик бўладилар, дoston қаҳрамонлари яшаган давр руҳини ҳис этадилар.

Ўқувчиларда этнопедагогик қадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантириш узлуксиз педагогик жараёнда амалга оширилиб, бунда дарслар билан бир қаторда дарсдан ташқари педагогик вазиятлар ҳам муҳим педагогик аҳамият касб этади. Бунда педагоглар этнопедагогик қадриятларни ўқувчиларга тақдим этишга хизмат қиладиган тадбирларнинг уларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қилишига эътибор қаратишлари лозим.

Дарсдан ташқари жараёнларда ташкил этиладиган педагогик вазиятлар ва тадбирлар ўқувчиларнинг этнопедагогик қадриятларни чуқурроқ ўзлаштириб, миллий ғурур туйғусини эгаллашларига хизмат қилиши назарда тутилади. Бундай педагогик тадбирлар жараёнида ўқувчиларда аجدодларимизнинг қаҳрамонона ҳаёти, маданияти, халқ ўйинлари, кўшиқлари, дoston ва эртак қаҳрамонларига нисбатан чуқур ҳурмат ва улардан ғурурланиш туйғуси мустаҳкамланади. Мазкур педа-

гогик тадбирлар ўқувчилар билан бир қаторда ўқитувчиларни ҳам изланишга ундаб, маданий дунёқарабини бойитади.

Синфдан ташқари педагогик тадбирларнинг ўзига хослиги шундаки, мазкур тадбирларда ўқувчилар кўпроқ мустақил ишлаш ва ўрганилаётган ходисани чуқурроқ англашга муваффақ бўладилар. Дарсдан ташқари жараёнларда турли байрамлар муносабати билан ташкил этиладиган тадбирларда ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг таъсирчан воситаларидан бири бўлган халқ ўйинларида бевосита иштирок эта оладилар. Масалан “Наврўз”, “Меҳржон” байрами билан боғлиқ ўйинлар, “Китобхонлик кунлари ва ҳафталиклари” шулар жумласидандир.

Синфдан ташқари ташкил этиладиган педагогик жараёнларда ўқувчилар билан дoston ва эртақлардаги воқеликка асосланган ҳолда кичик-кичик сахна кўринишларни ўйнаш ҳам ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қилади. Дoston ва эртақлардаги воқеалар баёни уларнинг давр руҳини англашларига кўмаклашади. Синфдан ташқари педагогик жараёнларда дostonлар, эртақлар, ривоятлар, кўшиқлар ўқувчиларнинг маданий дунёқараши ва миллий ғурурини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Шу билан бир қаторда уларнинг билиш имкониятлари кенгайди, китобхонлик кўникмалари ривожланади.

Бундай тадбирларга тайёрланиш жараёнида ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам этнопедагогик қадриятларни ўзида мужасамлаштирган фольклор намуналари, халқнинг урф-одатлари, анъаналари билан чуқурроқ танишишга муваффақ бўладилар. Халқнинг маданий бойликларидан фахрланиш туйғусига эга бўладилар.

Этнопедагогик қадриятларни ўқувчиларга тақдим этиш мақсадида ташкил этилган педагогик жараёнларда бир қатор машғулотларни ташкил этиш мумкин. Жумладан, кичик-кичик фольклор фестивалларини ўтказиш, халқ урф-одатлари ва

анъаналарига бағишланган викториналар ташкил этиш, бахшичилик танловларини ташкил этиш, дostonхонлик кечаларини ўтказиш, “Эртаклар – яхшиликка етаклар” мавзусида китобхонлик танловларини ўтказиш, “Мен халқ қўшиқларини севаман” номли ижодий тадбир, “Аجدодларимиз ўйнаган ўйинлар” номли спорт мусобақаларини ташкил этиш кабилар. Амалий санъат ва тарих музейларига саёхат уюштириш.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда синф раҳбарлари ота-оналар билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари лозим. Ота-оналарни “Наврўз”, “Меҳржон” каби байрамларни ташкил этиш ва ўтказишдаги иштирокларини таъминлаш, миллий анъаналар воситасида ўқувчиларни тарбиялашга бағишланган давра суҳбатлари ташкил этиш, миллий ўйинлар мусобақасини ўтказиш, “Миллий анъаналар ва урф-одатлар билимдони” танловини ташкил этиш кабилар шулар жумласидандир. Ушбу мақсадда ота-оналар билан ҳамкорликда тадбир материалларини танлаш ва унга тайёргарлик ишларини амалга ошириш назарда тутилади. Бундай тадбирларни таълим муассасаларида, музейларда, кичик театрларда ташкил этиш мумкин.

Халқ қўшиқлари, байрамлар, миллий урф-одатлар этнопедагогик қадриятларни ўқувчи-ёшлар онгига сингдиришнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Тадбирларни ташкил этиш жараёнида ўқувчилар халқ оғзаки ижоди намуналарини осонгина ўзлаштириб унда ифодаланган макон ва замон руҳини илғаш имкониятига эга бўладилар.

Айниқса мусиқа дарсларида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган халқ қўшиқлари, бахшичилик намуналарини ўргатишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу асосда синфдан ташқари вақтларда концерт дастурлари, кичик бахшилар танловларини ташкил қилиш мумкин.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда тўғарак машғулотлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса

адабиёт, тарих, муסיқа бўйича ташкил этиладиган фан тўғаракларида ўқувчиларга этнопедагогик қадриятларни тақдим этиш орқали миллий ғурур туйғусини шакллантириш имкониятлари кенгайтирилади.

Тарих тўғарагида эса халқимизнинг ўтмишида миллий мустақиллик йўлида олиб борга жанговор курашлари ҳақидаги маълумотларни келтириб Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Широқ, Тўмарис ҳақидаги афсоналарни келтириш мумкин.

Тарих ва адабиёт тўғаракларида ўқувчиларда ўзликни англаш ва миллий ғурур туйғусини ривожлантиришга хизмат қиладиган асарларни мустақил ўқиб таҳлил қилиш ҳақида ҳам топшириқлар бериш назарда тутилади.

Муסיқа тўғаракларида халқ кўшиқлари, уларнинг яратилиш тарихи, бахшичилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари, уларда миллий ғурур туйғусининг ифодаланиши ҳақида маълумотлар берилиб халқ кўшиқлари ва бахшичилик намуналарини куйлашга ўргатиш мақсадга мувофиқ. (намуналар)

Шу тариқа ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнида муайян этнопедагогик воситалардан самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Биз ушбу тадқиқотимизда ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда этнопедагогик қадриятлардан фойдаланишнинг қулай воситалари, усуллари ва методларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Ушбу воситаларга асосланган ҳолда ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараёнларни ташкил этдик. Шу асосда биз ўқувчилардан миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг оптимал тизимини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик.

Бугунги кунда этнопедагогик қадриятлардан фойдаланиш методикаси янги ғоялар ва мезонлар асосида бойитилмоқда. Чунки этнопедагогик қадриятлардан фойдаланиш динамикаси замонавий, илғор кумулятив характерга эга. Шунинг учун ҳам

этнопедагогик кадриятлар ўқувчиларда тарихий тафаккурни ривожлантириш асосида миллий ғурур туйғусини тарбиялашнинг қулай воситаси бўлиб хизмат қилади.

2.3-§ Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда этнопедагогик кадриятлардан фойдаланишга йўналтирилган педагогик жараён модели

Шахсда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда этнопедагогик кадриятлар асосий восита сифатида хизмат қилишини юқорида таъкидлаб ўтдик. Уларда инсоний сифатларни шакллантириш устувор ўрин эгаллайди. Этнопедагогик воситаларда халқнинг донишмандлиги, меҳнатсеварлиги, ўз юртдошлари ва юртининг равнақи учун курашиши аниқ образлар тимсоллар мисолида ёрқин акс этган. Халқнинг тоқирлиги, ғурур туйғусининг юксаклиги ифодаланган фольклор намуналари муҳим тарбия воситаси сифатида ёш авлоднинг шахсий тараққиётини таъминлайди.

Фольклор намуналарида халқ вакиллари ўз ҳатти-ҳаракатларининг моҳиятини тушунган ҳолда амалга оширганликлари яққол ифодаланган. Улар ҳар бир ҳолатнинг асл моҳиятини тушунган ҳолда ўз ҳаракатларини амалга оширганлар. Катталарнинглаш, уларнинг эзгу амалларига эргашиш фольклор намуналарида етакчи ғоя сифатида ўз аксини топган. Уларда ифодаланган халқ донишмандлиги, ўзаро ҳурмат, шахслараро ижобий муносабатлар аждодларимиз фаолиятларида коммуникатив ёндашувнинг устувор ўрини эгаллаганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам фольклор намуналари халқ донишмандлигини намоён қилувчи восита сифатида ўқув материаллари таркибида катта ўрин эгаллаши лозим.

Аждодларимиз фольклор намуналари ёрдамида ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратганлар. Чунки улар, Ватанни ва ўз халқини ҳимоя қилиш


учун миллий ғурур устувор бўлиши лозим деган ғояни илгари сурганлар. Миллатимиз тарихида фольклор намуналари асосида ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу соҳада бахшилар етакчилик қилганлар. Бахшилар қаҳрамонлик, жангнома мавзулардаги достонларни ёшлар давраида куйлаб, уларни ғурули, ор-номусли, иймон эътиқодли бўлишга чорлаганлар. Аксарият достонларда қаҳрамон, жасур йигитларнинг севган қизлари улар учун ор-номус, Ватан ва халқ тимсоли сифатида хизмат қилган. Достонхонлик ўша даврларда таълим ва тарбиянинг муҳим шакли бўлиб хизмат қилган. Бахшилар эса тарбиячи педагог сифатида катта нуфузга эга бўлганлар. Достонхонлик кечаларида ёшларнинг сабр, бардоши, тинглаб тушуниш кўникмалари мустаҳкамланишига алоҳида эътибор қаратилган. Ота-оналар ўз фарзандларидан тинглаган достонларининг мазмунини сўзлаб беришларини талаб қилиб, улардан қайси қаҳрамонларга эргашишларини мунтазам сўраб ўрганганлар. Ёш авлодни қаҳрамонлик достонлари, эртаклар воситаси тарбиялаш уларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда ота-оналар билан бир қаторда боболар ва бувилар ҳам етакчилик қилганлар. Оилада эртакхонлик, достонхонлик мунтазам тарзда ўтказилган. Бобо ва бувилар болаларга миллий қаҳрамонлар ҳақидаги ривоятларни сўзлаб бериб, уларни жасоратли, ғурурли, Ватанпарвар, халқсевар бўлишга даъват этганлар. Аجدодларимиз фольклор намуналари ёрдамида ёш авлодга панд-насихат қилганлар.

Мазкур достон ва эртаклар она-оналар ва катталарни ҳурмат қилиш, устозларни улуғлаш, жўмардликка ундаш, қаҳрамонликни тарғиб этиш, шахслар ўртасида бўладиган муносабат ва алоқаларни барқарорлаштириш, ўз-ўзини назорат қилиш, бажарган ҳатти-ҳаракатлари учун масъулиятли бўлишга кўмаклашган.

Аجدодларимиз томонидан яратилган этнопедагогик воситалар, кадриятлардан таълим муассасалари ва оилалардаги тарбиявий

жараёнларда самарали фойдаланиш, уларни дарсликлар, ўқув қўлланмалар, мажмуалар мазмунига мавзулар билан боғлиқ ҳолда сингдириш, синфдан ташқари таълим-тарбиявий жараёнларда фольклор намуналари асосида тузилган сценарийлардан фойдаланиш тавсия этилади. Чунки фольклор намуналари ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун қулай ҳисобланади. Чунки фольклор намуналари ўқувчиларни мантикий фикрлашга, мулоҳаза қилишга, ўз ҳаракатларини мақсадга йўналтиришга ундайди.

Ўзбек халқ оғзаки ижодига мансуб этнопедагогик воситалар тавсифи



Халқ қўшиқларида ёшлар бекорчиликдан қочиш, меҳнатсевар бўлиш, илм-у ҳунар ўрганиш ва унга амал қилишга даъват этилган. Масалан (қўшиқ номлари). Фольклор намуналар ўқувчилар онгига тез етиб бориб, уларнинг ҳиссий соҳаларига осонгина таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш мақсадида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда эртак ва достонларда ифодаланган шахслараро муносабатлар ҳақида аниқ

тасаввур ҳосил қилиш назарда тутилади. Фольклр намуналари асосида ўқитувчи ўқувчиларни шахслараро муносабат меъёрларини ўзлаштиришга тайёрлайди. Бу жараёнда дoston ва эртак қаҳрамонлари ибратидан фойдаланган ҳолда ўқувчилар турли қарорлар қабул қилиш, юриш-туриш қоидаларини ўзлаштиришга муваффақ бўладилар.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга. Маълумки фольклор намуналари ўқувчиларнинг ақлий-ҳиссий жиҳатларини ривожлантиришга хизмат қилади. Бунда фольклор намуналари асосида ташкил этиладиган педагогик жараённинг ўзига хос қонуниятлар ва омилларни ҳисобга олиш талаб этилади. Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга йўналтирилган жараённинг самарадорлигини таъминлаш муайян омиллар ва қонуниятларга боғлиқлигини педагоглар яхши англаб етишлари лозим. Бундай муҳим омиллар ва қонуниятлар сирасига:

- миллий ғурур уни шакллантирувчи педагогик воситалар таъсирида шаклланади;
- миллий ғурур халқ тарихи, маданиятини ўзида ифодалаган воситаларни ўзлаштириш маҳсулидир;
- ўқувчилар фольклор намуналарини ўзлаштирганларидан кейин ундаги қаҳрамонларнинг кечинмалари, амалга оширган ишлари уларнинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатади, эзгу ишларни оширишга сафарбар қилади;
- ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларига ижобий таъсир кўрсатиш орқали уларда эзгу амалларни бажариш эҳтиёжи кучайиб, маънавий-маданий дунёқарашлари кенгаяди.
- фольклор намуналарини ўзлаштириш натижасида ўқувчиларда ижобий ҳулқ-атвор шакллари таркиб топиб, миллий ғурур туйғуси кучаяди, ўзликни англаш ва тарихий тафаккури ривожланади.

Фольклор намуналарини ўрағниш давомида ўқувчиларнинг ҳиссий соҳаларига кучли таъсир кўрсатилади. Натижада уларда

ҳиссий жараёнлар фаоллашади. Бу эса ўқувчиларда маданий дунёқарашнинг ривожланишини таъминлайди. Бу эса уларнинг аждодларимиз, миллий қаҳрамонлар, халқ ҳаёти, унинг ўтмишига бўлган муносабатини белгилайди. Миллий ғурур туйғусининг ривожланиши ўқувчиларнинг нафақат маданий дунёқарашини, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларга бўлган қарашлари, балки, шахслараро муносабатларни ҳам ривожлантиришга хизмат қилади. Уларнинг табиат, жамият, одамлар, уларнинг эътиқодлари, миллий-маданий қарашлари ҳақидаги билимларини бойитади.

Этнопедагогик қадриятларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг билим даражалари ва маънавий эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай эҳтиёж ривожланганда ўқувчиларда миллий ўз-ўзини англаш туйғуси таркиб топади. Этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда бир қатор ҳолатларга эътибор қаратдик.

1. Достон ва эртак қаҳрамонларининг руҳий кечинмаларини чуқурроқ англатиш мақсадида ўқувчиларнинг ички ҳиссиётлари, сезгиларини поэтик воситалар ёрдамида ривожлантириш;

2. Ўқувчиларнинг руҳий кечинмалари, маънавий оламини бойитишга хизмат қиладиган этнопедагогик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган фольклор намуналарини танлаш ва тизимлаштириш.

3. Ўқувчилар билан ташкил этиладиган савол-жавоблар, суҳбатлар, баҳс-мунозаралар давомида достон ва эртак қаҳрамонларининг шахсий намунаси асосида миллий ғурур, Ватанпарварлик, халқсеварлик сифатларини шакллантиришга эътибор қаратиш.

4. Халқ томонидан яратилган қўшиқлар, айтимлар, бахшичилик намуналари воситасида ўқувчиларга миллий-маданий, эстетик билимларни тақдим этиш. Бундай билимлар ёрдамида ўқувчидлар халқ меросидан фахрланиш билан бир қаторда миллий маданий хулқ атвор меъёрларини ҳам ўзлаштиришга муваффақ бўладилар.

5. Халқ оғзаки ижоди намуналари билан дарсдан бўш вақтларда мустақил танишиш, урф-одат ва анъаналарни ўзлаштириш натижасида ўқувчилар ўзларининг ахлоқий сифатларини такомиллаштиришга эришадилар.

6. Ўқувчилар эртаклар, достонлар, ривоятлар, кўшиқларни мустақил ўқиб, таҳлил қилиш натижасида ўз-ўзларини ривожлантирадилар. Шунинг учун ҳам педагоглар уларга халқ оғзаки ижоди намуналарини мустақил ўқиб ўрганиш учун тавсия қилишлари лозим.

7. Достон ва эртаклар ўсмир ёшдаги ўқувчиларда пок муҳаббат туйғусини ҳис этиш, ундан ғурурланиш каби олийжаноб сифатни ҳам шакллантиришга хизмат қилади.

Ўқувчиларда халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантириш ва технологик жиҳатдан таъминлашда бир қатор принципларга таянилади.

- халқ оғзаки ижоди намуналарида инсоннинг табиий-руҳий, маънавий ҳолатларининг ифодаланганлигини ҳисобга олиш ва мазкур асарларнинг ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қила олишига эътибор қаратиш;

- ўқувчилардаги миллий тарихга оид билимларнинг мавжуд даражаси билан фольклор намуналарида ифодаланган масалаларни уйғунлигига эътибор қаратиш;

- ўқувчилардаги миллий ғурур туйғусини эгаллаш эҳтиёжи мавжужлигидан келиб чиққан ҳолда фольклор намуналарида етакчи бўлган мардлик, жасурлик, пок эътиқодлилик, омонатдорлик каби сифатларни шакллантиришга кўмаклашишини эътиборда тутиш;

- ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган усуллар ва технологиялардан самарали фойдаланиш мақсадида ўқитувчиларнинг этнопедагогик қадриятларга оид билимларини бойитиш;

Биз этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун ушбу мақсадга йўнал-

тирилган педагогик жараённинг самарали усуллари ва методларини танлашга ҳаракат қилдик. Ўқувчиларда этнопедагогик қадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанлар туркумдаги адабиёт, тарих, тарбия, муסיқа каби ўқув фанлари катта педагогик имкониятга эга.

Ҳар бир фольклор намунаси ўқувчиларни ўзига жалб қила олади. Бунинг асосий сабаби, фольклор намуналарида ҳаётий воқеликнинг тўлақонли акс этиш ва миллий руҳнинг етакчи ўрин эгаллашидадир. Достон ва эртакларнинг ўқувчиларни миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур туйғусига эга бўлиш, воқеликни англаш, объектив баҳолаш, шахслараро мулоқот меъёрларини эгаллашга ундаш, ижодкорликка даъват этиш каби педагогик имкониятларга эгаллигини ҳисобга олган ҳолда мазкур асарларни ўргатиш мақсадида ўқув дастурларида алоҳида соатлар ва мавзуларни белгилаб бериш лозим.

Тарих, адабиёт, халқ амалий санъати музейларига уюштириладиган саёҳатлар, бахшичилик кечалари, фольклор ижодий дасталарини концертларини тинглаш натижасида ҳам ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш имкониятлари кенгаяди. Миллий ғурур туйғуси ўқув топшириқлари ёрдамида сингдирилади. Муайян фольклор наумнаси айниқса эртак ва достон қаҳрамонлари ҳақида уюштириладиган суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, достонхонлик дақиқалари, ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини самарали шакллантириш имконини беради. Ўқувчилар эртак ва достон қаҳрамонларига шахсий муносабатларини билдириб уларнинг ҳатти-ҳаракатларини баҳолайдилар. Ижобий қаҳрамонларнинг амалга оширган ишларидан ғурурланиб, салбий қаҳрамонларга нисбатан нафратларини баён қиладилар. Шу асосда миллий қадриятларни ўзаро қиёслашга муваффақ бўладилар. Ўқувчилар эртак ва достонларни ўқиш асносида миллий ғурур туйғусининг мазмун-моҳиятини англайдилар ва уни ўз ҳатти-ҳаракатлари, фикрлари орқали намоён қиладилар. Ўқувчилар

фольклор намуналарини тизимли тарзда ўзлаштириб, уларнинг қаҳрамонлари билан доимий мулоқотда бўлишлари учун ўқитувчилар тарбия жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналаридан унумли фойдаланишлари, иккиламчи дидактик лойиҳаларни танлашда халқ оғзаки ижоди намуналарига алоҳида ўрин ажратишлари талаб этилади.

Ўқувчиларнинг шахсий қизиқишларини шакллантиришда ҳам этнопедагогик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган фольклор намуналаридан самарали фойдаланиш тавсия этилади. Миллий ғурур туйғуси ўқувчиларни халқ оғзаки ижоди намуналарини ўқиб ўзлаштиришга ундовчи, ҳаракатлантирувчи кучга айланиши лозим. Ўқитувчи биринчи навбатда ўқувчиларда дostonлар, эртак ва афсоналар, ривоятлар, урф-одат ва анъаналрни ўқиб ўрганиш мотивациясини ҳосил қилиши зарур. Ўқувчининг фольклор намуналарини ўқиб ўрганиш мотивацияси мазкур фаолиятнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда мазкур асарлар ёрдамида миллий ғурур туйғусини эгаллаш имкониятларини кенгайтиради.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш мақсадида муайян педагогик вазиятларни ташкил этиш назарда тутилади. Мазкур вазиятларда ўқувчилар олдида ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналри билан боғлиқ савол ва топшириқлар қўйилиб, уларни ўрганиш, ўзлаштириш учун қулай педагогик муҳит яратилади.

Масалан: “Сиз ўзбек халқи учун қадрли бўлган қандай анъаналарни биласиз?”, “Қайси анъаналар сизда ифтихор, ғурур туйғусини уйғотади?”, “Ўзбек халқининг бағрикенглигини нима-ларда кўрасиз?”, “Оилада қайси урф-одатларни муқаддас деб биласиз ва уларга амал қиласиз?”, “Сиз ўқиган қайси эртак ва дostonларда миллий ғурур туйғуси кучли тарзда ифодаланган?”, “Ўзбек халқининг қаҳрамон фарзандалри ҳақидаги қандай ривоятларни биласиз?”, “Қайси халқ қаҳрамонининг ҳаёти, амалга оширган ишлари сизда ғурур уйғотади?” саволлар билан

ўқувчиларга мурожаат қилдик. Биз ўқувчилардан мазкур саволларга мустақил жавоб қайтаришларини сўрадик.

Биз муаммоли саволлар ёрдамида дostonлар, эртаклар, халқ ривоятлари, афсоналар асосида баҳс-мунозара вазиятларини ҳам ташкил этдик. Масалан “Тўмариснинг жасорати”, Жалолиддин Мангубердини қахрамонликка ундаган омиллар”, “Ўзбек халқига хос меҳмондўстлик” каби мавзуларда баҳс-мунозарали педагогик вазиятлар ўтказилди. Мазкур вазиятларда биз ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган методлардан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Биз қуйида мазкур методларни дидактик жиҳатдан таавсифладик. Бундай методлар сирасига муаммоли вазиятларни ташкил этиш, баҳс-мунозара, таҳлилий фикрлаш, диолог, бадиий ўқиш методи, қайта ҳикоя қилиш, ролли ўйин, импровизация, сахналаштириш, бадиий ўқиш, экскурсия, мустақил ишлаш, топшириқлар устида ижодий ишлаш, оғзаки баён кабилар киради.

Муаммо ўз ечимини топмаган, ҳал этиш усулларини топишни талаб қиладиган масала бўлиб, халқ оғзаки ижоди намуналари, айниқса эртакларда ўқувчиларни ўйлаш, изланишга ундовчи кўплаб муаммолар баён этилади. Ўқитувчи ўқувчиларга эртакларни ўқиб бериб ёки уни ўқишни тавсия қилганда муаммоли вазиятларни ҳам ҳосил қилиши лозим. Биз асосан ўқиш ва тарбия дарсларида ўқувчиларга эртакларни тавсия қилиб, уни ўрганиш жараёнида ўқитувчига муаммоли вазиятларни ҳосил қилиш ҳақида қуйидаги тавсиялар бердик:

- эртакни ўқиб чиққач унда баён қилинган муаммоларни ажратиш;
- ажратилган муаммоларни муҳокама қилиш;
- муаммоларнинг ечими баён қилинган фикрларни эртак ёки дoston матнидан ажратиш;
- муаммонинг турли ечимлари баён қилинган фикрларни фарқлаш, улар ҳақида ўзларининг фикрларини мустақил баён қилишлари учун вазият яратиш.

Ўқитувчи ўқувчилар олдида уларни тўғри фикрлашга ундовчи аниқ саволлар қўйиши лозим. Муаммоли баён усули ҳам ўқувчиларга халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида этно-педагогик қадриятларни сингдириш асосида миллий ғурур туйғусини шакллантиришга кўмаклашади. Муаммоли баён эртак ёки дoston матни диалог ёки монолог тарзида баён қилишни назарда тутди.

Эртак ва дostonларни ўргатиш жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш методидан ҳам самарали фойдаланиш имконияти мавжуд. Бу жараёнда ўқувчилар фольклор намунасида ифодаланган муайян масалалар, муаммолар устида мустақил фикрлашга муваффақ бўладилар. Ўқитувчи эртак ва дostonлар мазмуни устида ўқувчиларни жамоа бўлиб мустақил фикрлашга ундайди. Бу жараёнда улар қаҳрамонларга баҳо бериб, ўзларининг шахсий муносабатларини билдирадилар. Бундай муаммоли вазиятларда баҳс-мунозара методидан ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд. Ўқувчилар фольклор намунасида баён этилган воқеликни биргаликда муҳокама қиладилар.

Ўқув жараёнида халқ оғзаки ижоди воситалар устида баҳс-мунозараларни ташкил этиш муайян таълимий ва тарбиявий мақсадларни назарда тутди. Баҳс-мунозаралар ўқувчиларни дoston ва эртак қаҳрамонлари ҳақида мустақил ва танқидий фикрлашга ундайди. Баҳс-мунозара жараёнида коммуникатив мақсадга эришиш ҳам устувор аҳамият касб этади. Ўқитувчи мунозара мавзуси билан унинг мақсадлари орасида мутаносибликни таъминлай олиши керак. Мунозара жараёнида ўқувчилар дoston, эртак ва ривоят қаҳрамонлари ҳақидаги бир-бирларининг фикрларини тўлдиришлари, қўллаб-қувватлашлари ёки бетараф янги фикрни ўртага ташлашлари мумкин. Айни бир дoston ёки эртак қаҳрамонлари ҳақидаги фикрларни ўзаро таҳлил қилишлари, бойитишлари ва шу асосда мавжуд фикрларни ривожлантирувчи суҳбат вазиятларини ҳосил қилишлари мумкин.

Достон ва эртаклар асосида ташкил этиладиган мунозара вазиятларида эстафета методлари, савол-жавоб, паст овозда муҳокама қилиш, лабиринт каби усулларни ҳам қўллаш самарали ҳисобланади. Мазкур усуллар эртак ва достонларда баён қилинган фикрларни ўқувчилар чуқурроқ англашларига хизмат қилади. Мунозара жараёнида йўналтирувчи, баҳоловчи, ҳамкорликка ундовчи, вазиятлар ўзаро изчилликда ташкил этилади. .

Халқ оғзаки ижоди намуналар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда таҳлилий фикрлаш методи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Таҳлилий фикрлаш асарни таҳлилий мутолаа қилиш натижасида вужудга келади. Таҳлилий фикрлаш асарда баён этилган воқеа ҳодисалар, қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатларини, қарашларини ҳар томонлама таҳлил қилиб баҳолаш, ўз нуқтаи назарини ифодалашга кўмаклашади.

Диалог методи ҳам ўқувчиларнинг фольклор намуналарида ифодаланган этнопедагогик қадриятларни англашларига хизмат қилади. Эртак ва достонлар, афсоналардаги воқелик асосида ўқитувчи қаҳрамонларнинг нутқини ўқувчиларга тақсимлаб, имитациялашган вазият яратади. Ўқувчилар қаҳрамонлар тимсолида бир-бирлари билан мулоқотга киришадилар. Шу аснода улар, достон ва эртакларда баён этилган воқеликни ҳар томонлама чуқур англашга муваффақ бўлади. Асар қаҳрамонлари ролидаги ўқувчилар эса ўзлари тақдим этаётган образга хос бўлган сифатларни чуқурроқ идрок этиб, қаҳрамонлар яшаган давр руҳини ҳис қиладилар. Асар қаҳрамонига хос бўлган нутқ монерасини ўзлаштирадилар.

Ўқувчиларда этнопедагогик қадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантиришда бадиий ўқиш методи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки бадиий ўқиш доирасида ўқитувчи ёки ўқувчиларнинг ўзлари фольклор намуналаридан танлаб олинган шеърӣ ёки насрий матн парчаларни таъсирчан ўқиш орқали уни тинглаб турган ўқувчиларнинг ҳиссиётларига таъсир кўрсатадилар. Натижада ўқувчилар воқеликнинг чуқур

идрок этишга муваффақ бўладилар. Бадиий ўқиш методини қўллашда қуйидаги усуллар муҳим аҳамиятга эга.

1. Педагогнинг матнни китобдан ёки ёддан ўқиш усули. Бунда асар ўқувчиларга жонли, таъсирчан тарзда етказилади.

2. Асардаги асосий фикрни ўқувчиларга асл ҳолида дoston ва эртакларнинг асосий қисми китобдан ўқиб берилади. Бу эса таъсирчан интонацияли усул ҳисобланади.

3. Ўқитувчининг дoston, эртак ёки ривоят, афсоналарни ҳикоя тарзида сўзлаб бериши. Бунда асар ва унинг мазмуни ўқувчиларга эркин тарзда етказилади. Ҳикоя қилиб бериш асосида ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборини дoston, эртак, ривоят ва афсоналарнинг асосий қаҳрамонлари, уларнинг амалга оширган ишларига қаратади.

4. Инсценировка усули. Бу метод ўқувчиларни бадиий асар билан иккиламчи таништириш усули ҳисобланади. Яъни ўқувчиларни бадиий асар билан иккиламчи таништириш усулидан ҳам самарали фойдаланиш мавжуд.

5. Матн ёдлаш усули. Бунда халқ қўшиқлар, дostonлардаги айтишувлар ўқувчилар томонидан ёдланиб айтиб берилади.

Дарсда ва дарсдан ташқари педагогик жараёнларда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўқиб бериш, сўзлаб бериш ва ёддан айтиб бериш каби анъанавий методлари мавжуд. Эртак ва дostonларни мультфильмлар, кинофильмлар, ўйинчоқлар, иллюстратив материаллар билан уйғун тарзда ўқитиш асосида ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўқувчилар онгига осонгина сингдиришга эришиш мумкин.

Ушбу методлардан фойдаланилганда ўқувчиларга ўқиган эртак ёки дostonларингиз ҳақида сўзлаб беринг, уларда нима ҳақида фикр юритилган, қаҳрамонларнинг қайси сифатлари сизга ёқади, қайси ҳаракатларидан сақланиш керак, расмлардан фойдаланган ҳолда ўқиган дoston ёки эртакни мазмунини сўзлаб беринг каби саволлар билан мурожаат этилади.

Ролли ўйинлар этнопедагогик қадриятларни оснгина ўзлаштиришларига кўмаклашади. Чунки улар дoston, эртак, афсоналардаги ҳаётӣ вазиятларни саҳналаштириш орқали ўқувчилар онгига етказувчи методдир. Ўқувчилар педагог томонидан саҳналаштирилган ролларни ижро этадилар. Ролли ўйинлар жараёнида ўқувчилар асар қаҳрамонлари ролида бир-бирлари билан мулоқотга киришадилар.

Ролларни тақсимлашда ўқувчи ҳар бир ўқувчининг характери, жисмоний-руҳий имкониятлари, ҳиссиётларини аниқ ҳисобга олиши лозим. Бундай ўйинлар ўқувчиларнинг шахсий сифатлари, майлларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқитувчи ўрганилаётган асар мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўйиннинг мақсади ва кутилаётган натижаларни олдиндан лойиҳалаштиради. Ўқувчиларга ўрганилаётган фольклор намуналари билан боғлиқ ҳолда ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади. Қўйилган мақсад билан боғлиқ ҳолда роллар ўқувчилар орасида тақсимланади. Синфдаги бошқа ўқувчилар уларни кузатиб турадилар. Ўйин якунида кузатаётган ўқувчилардан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилиш сўралади.

Ўқитувчи импровизация методи ёрдамида ўқувчиларни дostonлар, халқ кўшиқлари мавзулари доирасида ижод қилишга ундайди. Мазкур жараёнда ўқувчиларнинг халқ оғзаки ижодидан илҳомланиб пайдо бўладиган ижодкорлиги намоён бўлади. Улар дostonлар мавзулари асосида ўз ғоялари, қарашларини ижодий баён қиладилар. Шеърлар, кўшиқлар тўқийдилар. Натижада ўқувчилардаги руҳий кўтаринкилик, ижодий яратувчанлик, янги фикрлар ва куйлаш маҳорати шаклланади. Импровизация дoston қаҳрамонларининг ролларини ўқувчи томондан жонлантиришга, унга янги маъно кўшишга имконият яратади. Бу жараёнда ўқитувчи берган саволларга ўқувчилар олдиндан тайёрланмасдан жавоб беради. Импровизация таркибида “Ақлий ҳужум” методидан ҳам фойдаланилади. Импровизация вазиятлари таркибида аудио-видео воситалардан ҳам фойдаланиш мумкин.


Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда халқ амалий санъати музейлари, халқ қаҳрамонлари яшаб, фаолият кўрсатган ҳудудлар, муқаддас қадамжолар, тарих ва адабиёт музейларига уюштириладиган экскурсиялар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Масалан Жалолиддин Мангуберди тарихий ёдгорлиги, Нажмиддин Кубро тарихий ёдгорлиги қабилаарга уюштирилга экскурсиялар натижасида ўқувчилар халқ қаҳрамонларининг амалга оширга ишлари, улар ҳақидаги ривоятлар билан яқиндан танишадилар. Бу ўз навбатида ўқувчиларда миллий ғурур ва аждодларимиз билан фахрланиш туйғусини шакллантиради.

Оғзаки баён таълим жараёнида энг кўп қўлланиладиган метод ҳисобланади. Ўқитувчи ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш мақсадида оғзаки баён методидан самарали фойдаланиши мумкин. Адабиёт, тарих, тарбия, ўқиш дарсларида ўқитувчи эртаклар, достонлар, ривоят ва афсоналарни дарс мавзуси билан боғлиқ ҳолда ўқувчиларга баён қилади. Оғзаки баён методидан синф соатларида ҳам самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Шунингдек тўғарак машғулотлари, индивидуал суҳбат жараёнларида ҳам оғзаки баён методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда мустақил иш, топшириқлар устида мустақил ишлаш методларидан фойдаланиш ҳам кутилган самарадорликка эришиш имконини беради. Мустақил ишлаш давомида ўқувчилар этнопедагогик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган қўшиқларни ўрганиш, достонларни таҳлил қилиш, улар асосида иншолар ёзиш, эртак ва достон қаҳрамонлари ҳақида шахсий муносабатларини билдириш, ривоятлар асосида иншолар ёзиш каби иш турларини бажаришлари мумкин.

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнининг қуйидаги моделини тақдим этамиз.

Ўқувчиларда этнопедагогик кадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнининг модели



Ушбу модел ўқувчиларда миллий ғурурни этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш омиллари, принциплари, мазмуни, воситалари, методлари ва жараён натижасини ифодалаган. Бу моделдан дарслик муаллифлари, фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ўқув дастурлари, дарсликлар, дарс ва дарсдан ташқари педагогик жараёнларни лойиҳалашда фойдаланишлари назарда тутилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган педагогик шакллар, методлар, воситалар ўқувчиларда маънавий ахлоқий сифатлар, жумладан, миллий ғурур туйғусини шакллантиришга, тарихий тафаккур, маданий дунёқарашни ривожлантиришга, ўз ўтмишидан ғурурланиш туйғусини таркиб топтиришга, мустақил танқидий фиклашга ўргатишга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик маданий-тарихий тараққиёти даврида ёш авлодни ахлоқий-маънавий интеллектуал жисмоний ривожлантириш мақсадида этнопедагогик кадриятлар тизимини яратишга муваффақ бўлган. Ўз навбатида ушбу кадриятларга тарбиянинг турли шакллари амалга ошириш мақсадида мутахассислар мурожаат қилиб келганлар;

- аждодларимиз томонидан яратилган этнопедагогик кадриятлар бой ва серқирра мазмун моҳиятга эга бўлиб, ахлоқий тарбиянинг барча кўринишларини амалга оширишда ушбу меросга мурожат қилиб келинмоқда;

- ўзбек халқи томонидан яратилган этнопедагогик кадриятларнинг асосини миллий ғурур тарбияси ташкил қилиб, шахснинг ўзлигини англаши, Ватани, халқи ва яқинларини ҳимоя қилиш, мардлик ва жасорат кўрсатишида миллий ғурур асосий мотив сифатида намоён бўлиши ўз ифодасини топган;

- педагогик-психологик изланишлар ва амалга оширилган таҳлилиларимизнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, миллий ғурурга эга бўлган ҳар бир шахсда сафарбарлик, эзгу амалларни бажаришга интилиш, Ватан, халқ ва яқинларининг равнақи, бахт-саодати учун фидойилик, бунёдкорлик каби олийжаноб сифатлар устивор бўлади;

- кўплаб ривожланган мамлакатларнинг тарихий тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, миллий ғурур тарбияси шахс маънавий-маданий камолотини таъминлашда етакчи омил бўлиб, халқнинг бой тарихи, анъаналари, кадриятлари, урф-одатлари, маросимлари, адабий маданий бойликларини мужассамлаштирган педагогик воситаларни тақдим этиш орқали шакллантирилган ахлоқий сифатдир;

- этнопедагогик қадриятларнинг мазмунида ёшларда миллий ғурурни шакллантириш етакчи мавқега эга бўлиб, улардан синфлар ва фанлар кесимида фойдаланиш натижасида ўқувчиларда ўзликни англашга асосланган миллий ғурур туйғусини изчил тарзда шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён ташкил этилади;

- ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён муайян принциплар тадрижийлик, узвийлик, мақсадга мувофиқлик ҳамда аниқ тарихий, рефлексив, маданият-шунослик, аксиологик ёндашувларга асосланган ҳолда ташкил этилганда кутилган самарадорликка эришиш имконияти вужудга келади;

- ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда этнопедагогик қадриятларнинг имкониятларини кенгроқ очиб бериш мақсадида синфдан ташқари тадбирлар, байрам кечаларини тизимли тарзда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади;

- дарс ва дарсдан ташқари педагогик жараёнларда этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда турли инновацион методлар, педагогик вазиятлар, лойиҳалардан фойдаланиш мазкур йўналишдаги фаолият самарадорлигини таъминлашга эришиш имконини беради;

- танланган этнопедагогик қадриятлардан дидактик восита сифатида фойдаланган ҳолда ўқувчиларда ўзликни англашга асосланган педагогик жараёнларни ташкил этишга йўналтирилган тажриба-синов якунида тажриба гуруҳидаги ўқувчиларда миллий ғурур туйғусининг муайян даражада ўсганлиги, натижада уларда ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик, дахлдорлик, оила, миллат ва ватан шаъни учун қайғуриш каби ижобий сифатлар шаклланганлиги яққол намоён бўлди.

- тажриба гуруҳи респондентларидан олинган натижалар этнопедагогик қадриятларнинг ўқувчиларда ахлоқий сифатлар, шу жумладан, миллий ғурур туйғусини шакллантириш муҳим педагогик восита эканлигини назарий-амалшій жихатдан асослаш имконини бериб, тадқиқот фарази тўғрилигини статистик маълумотлар ёрдамида асослашга хизмат қилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республика Президент Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясида сўзлаган нутқи. - АТСТТТ, 2017 www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziveev-bmt-bosh-assamblevasi-20-09-2017

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 14-сон, 230-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори. <https://lex.uz>

4. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги УРК-637-сон Қонуни. <https://lex.uz>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли Фармони. <https://lex.uz>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПФ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>

8. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси -Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги Ваколатхонаси, 1998. - 48 б

9. Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. - Т:

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. - 34 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

11. 2017 йил 27 мартдаги ПҚ–2855-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

12. 2017 йил 24 майдаги ПҚ–2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

13. 2017 йил 23 июндаги ПҚ–3080-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

14. 2018 йил 12 майдаги ПҚ–3721-сон “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.

15. 2018 йил 14 августдаги ПҚ–3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

16. 2017 йил 28 июлдаги ПҚ–3160-сонли “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори.

17. 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4038-сон «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Қарор.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон Фармони. <https://www.lex.uz/ru/docs/-584106>

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ–4320-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/-4380951>

20. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. - Т.: Фан, 1989 - 365 б.

21. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Т.: Шарқ НМАК, 2001. – Б. 115.

22. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Т., «Фан», 1974. 221 б.
23. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. – Т.: 1956. – Б. 78.
24. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Наводиру-ш-шабоб / Тўртинчи том. - Т.: Фан, 1989. – Б. 235.
25. Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17-том. – Т.: Фан, 2001, – Б. 421.
26. Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. – Т.: Шарқ НМАК, 1998. – Б. 153
27. Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида.- Т.:Фан, 1964.– Б. 25.
28. Афзалов М. Пўлкан шоир. –Т.: Фан, 1955. - Б. 7.
29. Батурина Г. И. Народная педагогика в воспитании дошкольников М.: Просвещение, 1995. 238 с
30. Беспанская-Павленко Е.Д. Психодиагностические методики изучения гендерных особенностей личности [Электронный ресурс]: метод. рекомендации для студентов, обуч. по специальностям 1-86 01 01 «Социальная работа (по направлениям)» и 1-23 01 04 «Психология» /— Минск: БГУ, 2013.-87 с
31. Богоявленская Д.Б. Психология творческих способностей. М.: «Академия», 2002 – 320 с.
32. Борякова Н.Ю. Педагогические системы обучения и воспитания детей. М.: Астрель, 2008. 350 с
33. Булбул тароналари. 2-том. – Т.: Фан, 1972. – 386 б.
34. Бурякова В.В. Дискуссия на современном уроке: Метод. рекомендации. -М.: МГИУУ, 1999. - 160 с.
35. Волков Г.Н. Этнопедагогика: учеб. для студ. сред, и высш. пед. учеб, заведений. М.: Академия, 1999. 168 с
36. Воробьев Ю.Л., Королев Б.Н. В поисках смысла и правды. Активность и развитие личности. М.: Изд-во МГСУ «Союз» Т. 1, 2003. - 500 с.
37. Грачев А.А., Карнышев А.Д., Позняков В.П. Международная научно-практическая конференция «Психолого-экономические и этнокультурные ресурсы улучшения межнациональных отношений в российских регионах» / Психологический журнал, 2015, том 36, № 1. С. МО-142 с.
38. Горецкий В.Г. Народное творчество. СП б: Питер, 1991. 46 с
39. Григорьев Д.В. Воспитательная система школы: от А до Я: пособие для учителя / Д.В. Григорьев, И.В. Кулешова, П.В. Степанов; под ред. Л.И. Виноградовой. - М.: Просвещение, 2006. - 207с

40. Давлетов К.С. Фольклор как вид искусства.- М., 1966. 365 с
41. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. - Т.: Ўзбекистан, 1999.-30 б
42. Ёдгор бахши Исҳоқов. Устозим ҳақида / Ислом шоир замондошлари хотирасида. – Т.: 1981. – Б. 51-52
43. Жалолов Ғ. Сехрли-фантастик эртаклар / Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. - Т.: Фан, 1976. – Б. 39-96. 110 б.
44. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва: ОГИЗ, 1947. – С. 47.
45. Жўраев М., Шомусаров Ш. ЎЗБЕК МИФОЛОГИЯСИ ВА АРАБ ФОЛЬКЛОРИ. - Т.: ФАН, 2001. – Б. 107-108. 136 б.
46. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. Т., «Фан», 2008. Б. 294
47. Жўраев М. Мавсум кўшиқлари / Ўзбек мавсумий маросим фольклори. - Т.: Фан, 2008. – Б. 252.
48. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари.//Ўқув кўлланма - Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фан нашриёти, 2009. - 192 б.
49. Зайцев В.В. Теория и практика развития личностной свободы учащихся в системе начального образования: Автореф. дис. д-ра пед. наук. - Волгоград. 1999. - 48 с.
50. Зуннунов А., Хайруллаев М., Хотамов Н., Шодиев Д. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётдан лавҳалар.- Т.: Фан, 1996.- 310б.
51. Имомов К. Сехрли эртаклар. Ўзбек фольклорининг эпик жанрларида. - Т.: Фан, 1981. – Б. 65-72.
52. Имомов К. Ўзбек халқ эртаклари / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. - Т.: Фан, 1981. – Б. 79.
53. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.31.
54. Ислом шоир Назар ўғли. Танланган асарлар. – Т., 1953. – Б. 4.
55. Использование фольклора для развития и воспитания детей [Электронный ресурс] URL: <https://наука21века.ru> (дата обращения: 08.09.2017).
56. Каган М. С. Синергетика и культурология // Синергетика и методы науки. СПб., 1998. - 315 с.
57. Каирова И. А. Азбука нравственного воспитания. М.: «Просвещение», 1975. 320 с.

58. Karimov Islom. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma'naviyat, 2008. – B. 33.
59. Карпара Дж., Сервон Д. Психология личности. - М.: Питер, 2003. - 640 с
60. Карпушкин С.И. Формирование гражданской и правовой культуры молодежи [Текст] / С.И. Карпушкин Дис... канд. филос. наук. - М., 2009.- 230 с.
61. Каталог авторефератов и диссертаций по педагогике, научные работы и статьи на тему «Общая педагогика, история педагогики и образования» Паспорт специальности 13.00.01 ВАК РФ Библиотека авторефератов и диссертаций по педагогике <http://nauka-pedagogika.eom/t/obshaya-pedagogika#ixzz6XFskb5vs>
62. Кларин М В. Инновации в мировой педагогике: обучение на основе исследования, игры и дискуссии. (Анализ зарубежного опыта). Рига, НПЦ «Эксперимент», 1998, 180 с
63. Коваленко Л.Г. Роль социальной справедливости в формировании гражданственности личности [Текст] // Л.Г.Коваленко Формирование гражданственности. - Барнаул, 2010. - С.23-27
64. Кочисов В. К., Гогицаева О. У., Гаделышш А. В. Этическая беседа как средство формирования духовно-нравственной культуры младших // Современные проблемы науки и образования. 2015.№1-1. URL: <https://science-education.ru/rirarticle/view7icU19530> (дата обращения: 27.11.2017).
65. Курбонова Г.А. Влияние национальных подвижных игр на формирование нравственно-волевых качеств детей старшего дошкольного возраста. [Электронный ресурс]: автореф. дис. канд. пед.наук. - Душанбе, 2019.-31с
66. Левчук З.А. Нравственно воспитание личности: учебно-методические рекомендации. Брест: Бел ГУ, 2002. 43 с.
67. Лихачев Б. Т. Философия воспитания. Специальный курс: учебное пособие для студентов высших учебных заведений. М.: Прометей, 1995. 282 с.
68. Мадримов Б. Ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда халқ дostonларининг ўрни //Халқ таълими. - Тошкент, 2007. - №3. - Б. 102-104.
69. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б. 45.
70. Маслоу А.Г. Психология бытия. // Пер. с англ. - М. Киев, 1997.– 304 с.

71. Машарипова Н.Р “Шарқ халқлари педагогик тафаккурида ўзлик тарбиясининг дидактик воситалари” педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, Самарқанд 2020.
72. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I том. - Т.: Фан, 1960. – Б. 357.
73. Мелибоев А. Сафед Булон ҳикоялари. - Т. Tafakkur, 2009. – Б. 109-110.
74. Мерлин В.С. Психология индивидуальности / Под ред. Е.А.Климова. - Воронеж: НПО Модек, 1996. - 448 с.
75. Мирзаев Т. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 169.
76. Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. - Т.: Фан, 1981. – Б. 32.
77. Мирзаев Т. Достонлар гултожи. Алпомиш / Сўзбоши. – Т.: Шарқ НМАК, 1998. – Б. 7-8.
78. Мирзаев Т. Алпомиш достони, унинг версия ва вариантлари / Алпомиш – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Т.: Фан, 1999. – Б.
79. Молонов Г. Ц. Духовно-нравственное и патриотическое воспитание подрастающего поколения в прошлом и настоящем / Г. Ц. Молонов // Духовно-нравственное, патриотическое воспитание: опыт, проблемы, перспективы: материалы международной научно-практической конференции, 21-22 февраля 2003 г. - Улан-Удэ: Бэлиг, 2004. - Ч. 1. – С. 20- 26.
80. Моҳистара. Эртақ / Сув қизи. - Т., 1966. – Б. 5-52.
81. Муллабоев Т. Топишмоқлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 24.
82. Мусакулов А. Ўзбек фольклори очерклари. I том. - Т.: Фан, 1988. – Б. 269
83. Муҳаммадиев Р. Аския. – Т., 1962. – Б. 7.
84. Назаров Н. Лақайлар: этнография, лингвистика ва фольклор. – Т.: Tamaddin, 2010.
85. Наманган халқ оғзаки бадиий ижоди. - Наманган, 1993. – Б. 95.
86. Народная педагогика - составная и неотъемлемая часть общей духовной культуры народа. [Электронный ресурс] URL: <http://www.librero.ru> (дата обращения: 08.10.2017).
87. Нравственные ценности и регулятивы. [Электронный ресурс] URL: <http://www.psychologos.ru> (дата обращения: 08.11.2017).

88. Ойбек. Қутлуғ қон. Роман / Асарлар. Тўрт томлик. Иккинчи том. - Т., 1957. – Б. 288-289.
89. Ойжамол. Ҳаётий эртаклар. Иккинчи китоб. - Т., 1969 – Б. 313-314.
90. Ойчинор. Достон (айтувчи Қодир Раҳимов, ёзиб олиб нашрга тайёрловчи Абдумўмин Қаҳҳоров) / Ойсулув. - Т., 1984. – Б. 43-44.
91. Орзигул. Достон. Айтувчи: Ислон шоир Назар ўғли. – Т.: Фан, 1956. – Б.12.
92. Оқ олма, қизил олма. Қўшиқлар. – Т., 1972. – Б. 86.
93. Ошиқ Ғариб ва Шохсанам. Достон / Хоразм достонлари. Ошиқнома. - Урганч, 2006. - Б. 42.
94. Педагогика энциклопедия. I жилд / тузувчилар: жамоа. // Тошкент. “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. - 320 б.
95. Педагогика. Энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: «Ўзбекистан миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017.- 400 б.
96. Педагогика: энциклопедия. II жилд / тузувчилар: жамоа.// Тошкент: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2015. - 376 б.
97. Пиаже.Ж “Как ”
98. Пономарев Я.А. Психология творчества. -М.: Изд.во «Институт психологии РАН», 2006. 624 с.
99. Программа духовно-нравственного развития и воспитания обучающихся на ступени начального общего образования. [Электронный ресурс] URL <http://74445s003.edusite.ru>(flaТа обращения: 18.11.2017).
100. Пропп В.Я. Морфология сказки. – Москва.: Наука, 1969. 170с.
101. Равшан. Достон / Булбул тароналари. 2-том. - Т.: Фан, 1972. – Б. 454.
102. Рўзимбоев С. Хоразм достонлари. - Т.: Фан, 1985. 96 б.
103. Саидов М. Достон / Муҳаммаднодир Саидов – маърифат фидойиси. - Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. – Б. 7.
104. Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлар состави / Ўзбек фольклори очерклари китобида. 1-том. – Т.: Фан, 1988. – 152 б.
105. Саримсоқов Б. Қўшиқлар / Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 144.

106. Саримсоқов Б. Дехқончилик билан боғлиқ кўшиқлар / Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Т.: Ўқитувчи, 1990. Б. 147.
107. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Т., «Фан», 1986. 216 б.
108. Саримсоқов Б. “Алпомиш” эпоси ҳақида уч этюд / Алпомиш – ўзбек халқ қаҳрамонлиқ эпоси” китобида. – Т.: Фан, 1999.
109. Саримсоқов Б. Маросим фольклори. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. 152 б.
110. Саидов М. “Алпомиш” достонидаги исмлар ҳақида қайдлар / Муҳаммаднодир Саидов – маърифат фидойиси. – Т.: MUMTOZ SO’Z, 2009. – Б. 64, 82-91.
111. Сафаров О. Фольклор - бебаҳо бойлик. - Т.: Мухаррир, 2010. - Б. 231-284.
112. Р.Г.Сафарова, Р.Х.Джураев ва бошқ. Ўқувчи-ёшларни оммавий маданият хуружларидан ҳимоя қилишнинг назарий-методологик асослари. Монография. – Т.: “Tafakkur qanoti” нашриёти - 2017 й.
113. Р.Г.Сафарова. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ривожлантиришда педагогнинг касбий компетенцияси. “Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар” халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами. 2019 йил 21-24 май. Чирчиқ ш. 383-385-бетлар.
114. Ситдиқова Ф. М. Место фольклора в духовно-нравственном воспитании детей школьного возраста/ Взаимодействие культур в образовательной среде/Материалы межрегиональной научно-практической конференции. Издательство ИРО РБ, 2011. 186 с.
115. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Педагогика. М.: Добросвет, 2008. 576 с.
116. Соатов Ф. Ўзбек халқ анъанавий байрамлари таркибидаги фольклор асарларининг поэтик хусусиятлари. Фил. фан. ном. дис... автореферата. Т.: 1993.- 23 б.
117. Собиров А. Сўзбоши / Наманган халқ оғзаки ижоди намуналари. - Наманган, 1993. – 108 б.
118. Тешабоев. А. Ю. Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнат-севарлик руҳида тарбиялашда фольклор асарларидан фойдаланиш. Фил. фан. ном. дис...- Т.: ТДПУ, 1995.- 177 б
119. Тухматга учраган келин. Эртақ / Ойжамол (хаётий эртақлар, иккинчи китоб). - Т., 1969. – Б. 108.

120. Умар Хайём. Наврўзнама. Таржимон Урфон Отажон. – Т.: Мехнат, 1990. 53 б.
121. Умаров С. Ривоят ва ҳаёт. – Т.: Фан, 1988.
122. Устное народное творчество как средство воспитания нравственности [Электронный ресурс] URL: <https://nsportal.ru> (дата обращения: 20.11.2018).
123. Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. - Т.: MUMTOZ SO'Z, 2008. – 248 б.
124. Федорова Л.И. Игра: дидактическая, ролевая, деловая. Решение учебных и профессиональных проблем / Л.И. Федорова. - М.: ФОРУМ, 2009. – 176 с.
125. Фозил шоир / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб. – Т.: Фан, 1973. – 194 б.
126. Фольклор как средство нравственного воспитания - Инфоурок [Электронный ресурс] URL: <https://infourok.ru> (дата обращения: 20.11.2017).
127. Франкл В. Человек в поисках смысла: Сб: Пер. с англ. и нем. М.: Прогресс, 1990. 368 с.
128. Харламов И. Ф. Нравственное воспитание школьников: пособие для класс. руководителей. М.: Просвещение, 1983. 160 с.
129. Xoshimov K., Nishonova S. Pedagogika tarixi: Darslik. 2-q. - T.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti. 2005. - 304 b.
130. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт» тўплами (34 та жуъзи, 32 жилдда). HILOL NASHR нашриёт-матбааси. 2016.
131. Юнусов Р. Ўзбек халқ мусиқа ижоди (илмий-услубий тавсиялар) II-қисм Т.: 2000 й. 56 б.
132. Юлдашева Д. Ўзбек болалар фольклори тилида зоонимлар. фил.ф. ном....дис.-Т.: Ўз.Р ФАА А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институти, 2007. - 124 б.
133. Юлдашева С. Т. Бадий қадриятларга эстетик эҳтиёжлар омили сифатида талабалар қизиқишларини фаоллаштиришнинг педагогик асослари (“Эстетика асослари” курсини ўрганиш жараёнида).. пед. фан. ном....дис.-Т.: 2007. 134-6.
134. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. - Т.: Университет, 1998. - 184 б.
135. Ўзбек халқ эртаклари. Халқ оғзаки ижоди. – Т.: Ёшлар нашриёт уйи. 2018 й. 153 б.

136. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон давлат энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 649.
137. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. Иккинчи жилд. - Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 509.
138. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. - Т.: 2007. – Б. 512.
139. Ўзбек халқ эртаклари. I том. – Т., 1960. – Б. 579-581.
140. Қаюмов А. Академик Ғафур Ғулом / Хотиралар. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 29-30.
141. Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён / Романлар. - Т., 1992. – 656 б.
142. Қуронов М. Ўзбекистон умумтаълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Пед.фан.докт. ...дис. - Т.: 1998. - 287 б.
143. Ғулом Ғ. Шум бола. Биринчи китоб. Т., 1963. 176-бет
144. Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. Уч томлик. 2-том. - Т., 1958. – Б. 101.
145. Ҳоди Зариф. Улкан халқ санъаткори Эргаш шоир ва унинг ўзбек дostonчилигида тутган ўрни. – Т.: 1971. – Б. 17.
146. Ҳусайнова З. Топишмоқлар. Ўзбек фольклори очерклари. – Т., Фан, 1988. – Б. 110-111.
147. Ҳусайнова З. Ўзбек топишмоқлари. – Т.: Фан, 1966. – Б. 29.
148. Debora Kodish. Envisioning Folklore Activism. The Journal of American Folklore Vol. 124, No. 491 (Winter 2011) pp. 31-60 (30 pages) Published By: University of Illinois. <https://www.istor.org/stable/10.5406/jamerfolk.124.491.0031>
149. Sibarani R., 2013. Folklor Sebagai Media dan Sumber Pendidikan: Sebuah Aticangan Kurikulum dalam Pembelajaran. In S. Endraswara (Ed.), Folklor Nusantara: Hakikat, Bentuk, dan Fungsi. Yogyakarta: Penerbit Ombak (Anggota IKAPI). https://www.researchgate.net/publication/336696369_FOLKLORE_AND_SOCIAL
150. Entukan Karakter Siswa Berbasis Nilai Budaya Batak Toba. In S. Endraswara (Ed.), Folklor Nusantara: Hakikat, Bentuk, dan Fungsi. Yogyakarta: Penerbit Ombak (Anggota IKAPI). https://www.researchgate.net/publication/336696369_FOLKLORE_AND_SOCIAL

МУНДАРИЖА

	МУҚАДДИМА	3
I БОБ	ЭТНОПЕДАГОГИК ҚАДРИЯТЛАР ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	5
1.1-§.	Этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш – ижтимоий методик зарурият сифатида.....	27
1.2-§.	Этнопедагогик қадриятларнинг тарбиявий имкониятлари...	
II БОБ	ЎҚУВ ФАНЛАРИ КЕСИМИДА ЭТНОПЕДАГОГИК ҚАДРИЯТЛАР ВОСИТАСИДА ЎСМИР ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПАРАМЕТРЛАРИ.....	45
2.1-§.	Фанлар кесимида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнининг мазмуни ва уни танлаш принциплари.....	45
2.2-§.	Этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш усуллари ва методлари.....	57
2.3-§.	Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда этнопедагогик қадриятлардан фойдаланишга йўналтирилган педагогик жараён модели.....	71
	ХУЛОСА.....	87
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	89

Абдуллаев Мухаммадимин Эгамбердиевич

**ЭТНОПЕДАГОГИК ҚАДРИЯТЛАР ВОСИТАСИДА
ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ТУЙҒУСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

Мухаррир Гулчеҳра Азизова

Дизайнер Хусан Сафаралиев

Саҳифаловчи Барно Баҳрамова

Лицензия АИ № 168. 23.12.2009.

Босишга 18.02.2022 й. да рухсат этилди. Бичими 60×84/16.

«Times New Roman» гарнитураси. Офсет қоғози.

Шартли б.т. 6,25. Нашр т. 6,25. Адади 100 нусха. Буюртма № 12-05.

«ТАҒАККУР ҚАНОТИ» нашриёти.

Тошкент, 1-тор, Мирсолиҳова кўчаси, 13-уй.

Фаолият юритувчи манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Оригинал-макет «ТАҒАККУР ҚАНОТИ» дастурий воситалар базасида
тайёрланди ва чоп этилди. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30.